

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

“Сув хўжалигини бошқариш ва унинг “Сув хўжалиги иқтисоди” кафедраси  
иқтисодиёти” факультети

Химояга рухсат этилсин  
Кафедра мудири  
\_\_\_\_\_ С.Умаров  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 йил

**Бакалавр даражасини олиш учун  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда бозор  
принципларини қўллашнинг самарадорлиги (Сирдарё-Сўх ирригация  
тизимлари ҳавза бошқармаси материаллари мисолида)

Бажарувчи:

4-курс 2-гуруҳ талабаси

Ғ.Исмаилов

Битирув иши раҳбари:

катта ўқитувчи

С.С.Исмаилова

Тошкент – 2013

“Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти” факультети  
“Сув хўжалиги иқтисоди” кафедраси  
Иқтисодиёт (сув хўжалигида) мутахассислиги

**«Тасдиқлайман»**  
«Сув хўжалиги иқтисоди»  
кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ С.Умаров  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2013 йил

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ (БМИ) БАЖАРИШ УЧУН ТОПШИРИҚ**

Ғ.Исмаилов

БМИ мавзуси: *Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда бозор принципларини қўллашнинг самарадорлиги (Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси материаллари мисолида)*

Институт ректорининг \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан «\_\_»\_\_\_\_\_201\_\_ йилдаги тасдиқланган.

2. Тайёрланган БМИни топшириш муддати. *2 июнь 2013 йил.*

3. БМИ учун берилган маълумотлар. *Мавзуга тегишли адабиётлар, Президент фармонлари ва қарорлари, статистик маълумотлар, қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш органлари ҳисоботлари, шунингдек хўжалик ва ташиқлотлардан олинган ҳисоб ва иқтисодий маълумотлар, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятининг таҳлилий маълумотлари берилди.*

4. Ҳисоблаш-тушунтириш матнининг мазмуни. *Ишда иқтисодий таҳлил, статистик, монографик ва ҳисоб-конструктив усулларида фойдаланилади.*

5. Кўргазмали чизма материалларнинг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилсин). *Сув хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантиришнинг хусусиятлари.*

6. БМИ қисмлари бўйича маслаҳат берувчилар

| Қисм номлари                 | Маслаҳатчининг<br>исми-шарифи | Топшириқ берилди,<br>сана ва имзо | Топшириқни олди<br>сана ва имзо |
|------------------------------|-------------------------------|-----------------------------------|---------------------------------|
| Асосий қисм                  | С.С.Исмаилова                 | 11 февраль 2013 йил               | 11 февраль 2013 йил             |
| Ҳаёт фаолияти<br>хавфсизлиги |                               | 1 апрель 2013 йил                 | 1 апрель 2013 йил               |

7. Топшириқнинг берилган вақти: «\_\_» январь 2013 йил.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо)

Топшириқ олди \_\_\_\_\_  
(талаба имзоси)

## ТАҚВИМИЙ РЕЖА

| №   | Топшириқнинг номи                            | Берилган вақти | Изоҳ |
|-----|----------------------------------------------|----------------|------|
| 1.  | БМИ структурасини тузиш ва маълумотлар йиғиш | Январь         |      |
| 2.  | Кириш                                        | Январь         |      |
| 3.  | Объектнинг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари  | Февраль        |      |
| 4.  | Асосий қисм бўлимларини тайёрлаш             |                |      |
| 5.  | 1-бўлим                                      | Февраль        |      |
| 6.  | 2- бўлим                                     | Март           |      |
| 7.  | 3- бўлим                                     | Март           |      |
| 8.  | 4- бўлим                                     | Апрель         |      |
| 9.  | Ҳуқуқий қисми                                | Апрель         |      |
| 10. | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги                    | Апрель         |      |
| 11. | Хулоса ва таклифлар                          | Май            |      |
| 12. | Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш     | Май            |      |
| 13. | Мавзу бўйича интернет маълумотлари           | Май            |      |
| 14. | БМИни расмийлаштириш                         | Май            |      |
|     |                                              |                |      |

Топшириқни олдим

Талаба \_\_\_\_\_ Ғ.Исмаилов

Топшириқни бердим

Раҳбар \_\_\_\_\_ С.С.Исмаилова

## Мундарижа

|                                                                                                                                   |    |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш .....                                                                                                                       | 4  |
| Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ташкилий-иқтисодий таснифи.....                                              | 6  |
| Асосий қисм:                                                                                                                      |    |
| 1. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда сув хўжалиги тармоғининг роли ва аҳамияти.....                                             | 14 |
| 2. Сув хўжалиги тизими ва сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини ривожлантириш хусусиятлари.....                               | 23 |
| 3. Қишлоқ хўжалигида сув ресурслари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили .....                                              | 36 |
| 4. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурслари дан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари... | 43 |
| Ҳукукий қисм.....                                                                                                                 | 51 |
| Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми.....                                                                                              | 56 |
| Хулоса ва таклифлар.....                                                                                                          | 61 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....                                                                                             | 64 |
| Мавзу бўйича интернет маълумотлари.....                                                                                           | 66 |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз мустақиликка эришган кундан бошлаб халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ислохот тадбирлари кенг миқёсида амалга оширилганлиги билан бирга сув хўжалигида ҳам шу ўтган давр мобайнида туб ислохотлар ўтказилди.

Мамлакатимизда бугунги кунда бозор муносабатлари нафақат қишлоқ хўжалигида, балки сув хўжалигига ҳам кириб бормоқда. Ўтган давр мобайнидаги тажрибалар шундан далолат берадики, сув хўжалигининг барқарор ривожланиши, унинг бошқарув тизимига, фаолият юритаётган раҳбар ходимларнинг тайёргарлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳозирги пайтда республикамизда сув хўжалиги тизимини бошқаришда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечимини топиш, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш аграр соҳа иқтисодиёти олдида турган энг муҳим масалалардан биридир.

Республикамизда бозор муносабатларининг қарор топиши ўз навбатида сув хўжалиги ташкилотларнинг бошқарув тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки ташкилотнинг самарали ишлашини бозор муносабатларини қўллаш орқали таъминлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз учун сувнинг қанчалик қадрлилиги, ундан самарали фойдаланиш, ўз навбатида сув хўжалигини бошқаришга янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. Бироқ жойларда сувдан фойдаланишда ҳамон исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бунинг учун аввало сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғри ташкил этиш, ундан тежаб фойдаланиш, ортиқча сарф қилинишини олдини олиш, сувнинг суғориш тармоқларида йўқотилишини бартараф этиш зарур. Шу боис ички хўжалик суғориш тармоқларини техник ҳолатини яхшилаш, замонавий суғориш тармоқлари ва иншоотлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва қайта тиклаш долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг барча жабҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси - бу жаҳон молиявий инқироzi, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан

иборат. Шунингдек бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Худудда сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати улардан самарали фойдаланиш тизимининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш тамойиллари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор тамойилларини жорий этиш вазифаси юклатилди. Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли қарорига асосан сув ресурсларини кўп йиллардан буён маъмурий-худудий тамойил асосида бошқарилишидан воз кечилиб, бошқаришнинг ҳавза тамойилига ўтилди. Собиқ тизим сув ресурсларининг чеклангани ва унга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги шароитида сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришга ва ривожлантиришга жавоб беришга оғизлик қилиб қолди. Шу боис ушбу муаммоларга барҳам бериш учун сув ресурсларини бошқаришнинг ҳавзавий тизимига ўтилди. Сув хўжалиги тизимини бошқаришни янги, замон талабидаги усулига ўтилганлиги кўпгина муаммоларни босқичма-босқич бартараф этишга замин яратди.

Лекин шунга қарамасдан, сув хўжалиги тизими ҳамон ҳам сифат, ҳам ташкилий жиҳатдан бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бермаётир. Шу боис бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида сув хўжалиги тизимини илмий жиҳатдан ўрганиш, сув хўжалиги ташкилотларида бозор принципларини қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу мавзунинг нақадар долзарблигини кўрсатади.

## **Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг ташкилий-иқтисодий таснифи**

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикаси ҳудудига, кирувчи Фарғона водийсининг марказий ва жанубий қисмига жойлашган бўлиб Бурама, Чотқол, Фарғона, Олой ва Туркистон тизимлари билан чегараланган. Ғарб томонда жойлашган Хўжанд йўлакчасидан Сирдарё оқиб чиқиб кетади. Водийнинг умумий майдони 22.0 минг кв. км; узунасига 300 км, энг кенг жойи 170 км.ни ташкил этади.

Фарғона водийси ҳозирги кунда 3 та мустақил давлат Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикасига бўлинган. Фарғона вилоятидан ташқари Андижон ва Наманган вилоятлари ҳам водийда жойлашган.

Водий суғориб деҳқончилик қилса бўладиган паст текислик ерлардан 19,2 минг кв.км майдонни эгаллайди, шундан 710 минг гектари Фарғона вилоятига тегишли. Фарғона вилояти ҳудуди шарқдан ғарбга қараб 163 км.га ва жанубдан шимолга қараб 60 км.га чўзилган. Вилоят шимол томондан Наманган вилояти билан, шимолий шарқ томондан Андижон вилояти билан, жанубий шарқ томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Баткент вилоятлари билан, жанубий ғарб томондан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадошдир.

Вилоятнинг ер қатламларининг тузилишида Сирдарё, Сўх дарёси, Исфара, Исфайрамсой ва Шохимардонсойлар алоҳида ўрин тутати. Бу ўринда Сирдарёнинг роли каттадир, Сирдарё Наманган шаҳри якинида Норин ва Қорадарёларни бирлашмасидан ҳосил бўлиб, Қайроққум сув омборигача узунлиги 150 км.дан ошади. Дарёнинг кенглиги баъзи жойларда 116 метрдан 180 метргача етади, унинг қиялиги эса 0,0001 дан 0,0008 гача оқимининг ўртача тезлиги кам сув вақтида 0,8 м/с дан, баҳорги кўп сувлик вақтида 1,0 м/с га етади. Дарёнинг ўртача кўп йиллик

сув сарфи 372-461 м<sup>3</sup>/с га тенг. Дарёнинг май-июн ойига тўғри келадиган энг катта сув сарфи 888-1181 м<sup>3</sup>/с га тўғри келади.

Вилоятнинг бошқа дарёлари Исфайрамсой, Исфарасой, Сўхсой, Шохимардонсой, Сирдарё ҳавзасига киради. Хозирги даврда бу дарёларнинг суви бутунлайича суғоришга сарфланаяпти ва Сирдарёга етиб бормаяпти.

Юқорида номлари келтирилган дарёлардан суғориш учун сув олиш мақсадида катта сув иншоотлари қурилган.

Масалан: Исфайрамсойда Полмон, Шохимардонсойда Водил, Сўх дарёсида Сарикўргон ва Қўқон сув таксимлаш иншоотлари шулар жумласидандир.

Вилоят об-ҳавоси унинг жойига қараб характерлидир, атрофи тоғ билан ўралганлиги ва фақат ғарб томондангина очик жой борлиги учун тез-тез шамоллар бўлиб туради, ҳавонинг қуруқлиги ёмғирни кам бўлиши ва қуёш радиациясининг юқори эканлиги экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатади. Шимолий қисмда ёмғир миқдори ўртача 110 мм.ни, шарқда эса 260 мм.ни ташкил қилади. Тоғ ён бағрларида ёмғирнинг миқдори 310-605 мм/йил ва тоғ қисмларида 1230 мм/йилга етади. Қишлоқ хўжалиги учун ноқулай шароитлардан бири шамолдир. Донғи чиққан Қўқон шамоли тупроқнинг ҳосилдор қатлам қисмида эрозия ҳосил қилиб, намлик тез учиб кетишига олиб келади. Натижада ер ости намлигининг капилляр найчалар бўйлаб кўтарилиши асосида тупроқнинг устки қатламларида кўплаб шўрнинг тўпланишига олиб келади ва қишда катта майдонларда шўр ювиш ишларини олиб боришга тўғри келади, натижада очик коллектор зовурлар кўмилиб қолади. Бундай ҳолат Марказий Фарғонада ва вилоятнинг шимолий ғарбий қисмида юз беради, бу эса кўшимча сарф харажатларга олиб келади.

2011 йилда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги қуйидагича бўлди:

1. Пахта 29 ц/га

## 2. Буғдой 52 ц/га

Вилоятда суғориш ва зах қочириш воситаларини эксплуатация қилиш ва уни ривожлантириш Республика сув хўжалигининг вилоятдаги ташкилотлари зиммасидадир.

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибига қуйидаги эксплуатация бошқармалари киради:

1. Ирригация тизими бошқармалари 4 дона
2. Насос станцияси, электр ва алоқа бошқармаси 1 дона
3. Гидрогеологик- мелиоратив эксплуатация бошқармаси 1 дона
4. Ўрмон кўчатчилик хўжалиги (хўжалик ҳисобида) 1 дона

Вилоятда капитал маблағлари ҳисобига бажариладиган ирригация-мелиорация ишларини асосан «Фарғонаирқурилиш» ОАЖ, ҳамда «Фарғонасувқурилиш» ОАЖ олиб боради.

Капитал қурилиш объектларини маблағ билан таъминлаш вазифасини 22-ҚҚБДси орқали олиб борилади. Сув хўжалиги қурилиш ва таъмирдаш ишларини лойиха-смета ҳужжатлари билан таъминлаш «Фарғонадавсувлойиха» институти ҳамда, хўжалик ҳисобидаги «Ўздавсувлойиха» бирлашмаси Фарғона вилоят бўлими зиммасидадир.

### 1. Вилоятнинг гидрогеологик ва мелиоратив ҳолати.

Вилоят ҳудудининг Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ён бағрида жойлашганлиги ерларни табиий ҳолатига анча таъсир кўрсатади. Вилоятнинг тоғ олди қисмлари қир-адирларни ташкил этади. Марказий Фарғона эса Сирдарёнинг эски ўзанларидан ҳосил бўлганлигини билдиради, чунки шу пайтгача қум аралаш тупроқлар катта ҳудудларни ташкил этади, бу эса ўз навбатида уларни ўзлаштиришда катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Юқорида айтилгандек ерларни тоғ ён бағрларида жойлашганлиги ер ости сувларининг юзада ва босим остида жойлашишига сабаб бўлади.

### 2. Вилоятнинг ер фонди.

Вилоятда марказий статистика бошқармасининг маълумотида кўра қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган суғориладиган майдон 366124 гектарни ташкил этади.

### 3. Сувдан фойдаланиш.

Бу тўғрида маълумотлар сувдан фойдаланиш бўлимининг ҳисоботида алоҳида кўрсатилган.

4. Зовур сувларининг шўрланиши даражаси ва унинг оқиб чиқиб кетиш миқдори.

Коллектор зовур тармоклари билан таъминланган майдонлар 256271 гектар, шунингдек тик қудуқ билан 88572 гектар ва ёпиқ зовурлар билан таъминлангани 18774 гектар майдонни ташкил этади. Ҳисобот йилида вилоятимиз суғориладиган майдонларидан чиқариб ташланган зовур сувларининг умумий миқдори 1969.95 млн.м<sup>3</sup> ни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 18.38 млн.м<sup>3</sup> кўп сув чиқди. Суғориладиган майдонларимизнинг ҳар гектаридан чиқаётган зах сувлар миқдори 7687 минг м<sup>3</sup>.ни ташкил қилади. Бу сувлар миқдори мавжуд 71 та гидропостлар орқали ҳисобга олинади.

Зовур ташлама сувларнинг шўрланиш даражаси бўйича энг юқориси 2.68 гр/л қаттиқ қолдиқ, хлор бўйича эса 0,19 гр/л .ни ташкил этди. Суғориш учун берилган сувнинг тузи 1.6 гр/л.ни ташкил этиб, 5503,7 минг тонна туз чиқариб юборилди.

Тик зовур қудуклари зах сувлар сатҳини меъёрида ушлаб туришда катта аҳамиятга эгадир. Тик қудуклар сони 2012 йил 1 январига келиб 1161 донани ташкил этди. Ўртача бир донга зах қочириш қудуғига 54.3 гектар суғориладиган майдон тўғри келади.

Тик зах қочириш қудукларидан ҳисобот йилида жами бўлиб 184.0 млн. м<sup>3</sup> сув чиқариб ташланди. Суғоришга олинган сувнинг туз миқдори қаттиқ қолдиқ ҳисобида 1.60 гр/л, хлор тузи ҳисобида эса 0.09 гр/л ҳисобида, шунингдек умумий чиқарилган сув миқдори қаттиқ қолдиқ

хисобида 3973.2 минг тонна ва хлор бўйича 183.20 минг тоннани ташкил этди.

#### 5. Ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисида.

Зах сувларнинг пайдо бўлиши ва унинг ҳаракати қонуниятларини 2376 дона кузатиш қудуклари орқали ўрганилди. Шундан ёлғиз кузатиш пунктлари 1759 дона, алоҳида пезометрлар 617 донани ташкил этади. Тик қудуклар таъсир майдонида кузатиш қудуклари сони 1759 дона. Тик қудуклар таъсир майдонида кузатиш қудуғига боғланган майдон ўртача 102 гектарни ташкил қилади. 2011 йилда зах-сизот сувларининг сатҳи 1,84 см чуқурликда бўлган ёки утган йилга нисбатан 0,01 м юқори бўлди.

Тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқлаш учун вилоят хўжаликларидан олинган тупроқ намуналарини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

1. Шўрланмаган майдон - 191149 гектар
2. Кучсиз шўрланган - 131652 гектар
3. Ўрта шўрланган - 39077 гектар
4. Кучли шўрланган - 4246 гектар

Юқорида кўрсатилган ерларни шўрини ювиш учун махсус тавсияномалар тузилиб фермер хўжаликларига етказилган.

Ирригация тизими бошқармаларининг вазифалари биринчи навбатда сувни фойдаланувчиларга бўлиб бериш ва ундан оқилona фойдаланишни ташкил этиш, шунингдек суғориш ва зах қочириш шахобчалари, сув иншоотларининг эксплуатацияси ва таъмирлашдан иборат. Бундан ташқари ички хўжалик ариқ ва зовурларни тозалаш ва таъмирлаш бўйича техник хизмат кўрсатади.

Насос станциялари ва электр, алоқа тармоқлари эксплуатацияси бошқармаси (ФНСЭАБ) насос станциялар, тик суғориш ва зах қочириш қудукларини режим ва талаб асосида ишлатиш, ҳамда таъмирлаш, қайта қозиш, шунингдек Сирдарё-Сўх

ирригация тизимлари хавза бошқармаси ҳисобидаги электр ва алоқа линиялари, телемеханик ва автоматик воситаларини эксплуатацияси ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади.

Бошқарма ҳисоботи алоҳида берилади.

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари қошида 4 донга ирригация тизими бошқармалари ташкил этилган бўлиб, булар:

1. Норин-Фарғона ирригация тизими бошқармаси асосан Марказий Фарғона ерларида жойлашган туманлар яъни, Куштепа, Олтиариқ Ёзёвон, Бувайда, Учкуприк Богдод ва Риштон туманларининг Катта Фарғона ва Катта Андижон каналларига боғланган ирригация тизими тармоқларини эксплуатация қилиб, бу ерларни туманлараро ва хўжаликлараро каналлар орқали суғориладиган ер майдонларини оқин сув билан таъминлайди.

2. Исфайрам-Шохимардон ирригация тизими бошқармаси Исфайрамсой ва Шохимардонсой дарёлари сувини Фарғона, Қувасой, Қува, Қўштепа ва Олтиариқ туманларига каналлар орқали режа асосида, сув етказиб беради, ҳамда туманлараро, хўжаликлараро каналларни эксплуатацияси ва таъмирлаш ишларини бажаради.

3. Сўх-Оқтепа ирригация тизими бошқармаси Сўх дарёсидан келаётган сувни Сарикқўрғон ва Қўқон бош сув иншооти орқали Дангара, Учкуприк, Бувайда, Богдод, Риштон ва Олтиариқ туманларини шу дарёга боғланган ер майдонларини сув билан таъминлайди.

4. Исфара-Сирдарё ирригация тизими бошқармасининг асосий сув манбалари Сўх, Исфара, Сирдарё ва Катта Фарғона канали бўлиб, Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат туманларини режа асосида сув билан таъминлашга хизмат қилади.

5. Вилоят гидрогеологик мелиоратив экспедицияси бошқармаси (ГГМЭ) туманлараро, хўжаликлараро зовурларни эксплуатация қилиш, уларни механик тозалаш, вилоят ҳудудидан

оқиб чиқиб кетаётган зах сувларини миқдорини, шўрланиш даражасини ўрганиш ва ҳисобга олиш билан шуғулланиб, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради. Шунингдек экспедиция ер ости сувларни ҳаракати, кўтарилиш ва шўрланиш даражасини ўрганиш билан шуғулланади.

Хўжалик ҳисобидаги лойihalаш гуруҳи Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари хавза бошқармаси ва вилоят Гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси топшириғига асосан иншоотлар, канал ва зовурларни механик тозалаш ва таъмирлаш учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлайди.

6. Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари хавза бошқармасининг 2012 йиллик иқтисодий кўрсаткичлари:

**1-жадвал. Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари хавза бошқармасининг 2012 йиллик иқтисодий кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткичларнинг номи                                                         | Ўлчов бирлиги | Миқдори  |
|---|-------------------------------------------------------------------------------|---------------|----------|
| 1 | Суғориладиган ер майдони                                                      | Минг га       | 361124   |
| 2 | Гидромелорация фондларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш учун кетган харажат | млн. сўм      | 11204806 |
| 3 | Шу жумладан 4-группа бошқа харажатлар учун                                    | млн. сўм      | 2381288  |
| 4 | 1 га суғориладиган майдонга солиштирма харажат                                | Минг сўм      | 31.03    |

Таъмирлаш ишлари ҳақида маълумот.

2011 йил давомида сув хўжалиги иншоотларини таъмирлаш ишлари бўйича Сирдарё-Сўх Ирригация тизимлари хавза бошқармасининг қуйи ташкилотларида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жорий таъмирлаш бўйича:

Белгиланган режадаги 1615 дона сув иншоотлари, 1629 дона сув ўлчаш иншоотлари, 128 дона турар жой ва маъмурий бинолар, 270.29 км канал ва дамбаларни таъмирлаш, 530,0 км хўжаликлараро каналларни тозалаш, 61,9 км лойиха ишлари режалаштирилиб, амалда 1623 дона сув иншоотлари, 1647 дона сув ўлчаш иншоотлари, 128 дона турар жой ва маъмурий бинолар, 275,89 км канал ва дамбаларни таъмирлаш, 530.0 км хўжаликлараро каналларни тозалаш, 61,9 км лойиха ишлари ёки жами жорий таъмирлаш ишларига ажратилган 703406,3 минг сўм режалаштирилиб, амалда 676229,7 минг сўмлик таъмирлаш ва тозалаш ишлари бажарилди, бу режага нисбатан 96 фоизни ташкил этади.

Тўла таъмирлаш буйича:

Исфайрам-Шохимардон ирригация тизими бошқармаси ҳисобидаги Марғилонсойда тўла таъмирлаш ишлари 127662 минг сўмга режалаштирилиб, амалда 127662 минг сўмга ёки 100 фоизга, Қўрғонтепа сув омбори дамбасига қурилган пьезометрларни тўла таъмирлаш учун 38134.8 минг сўм режалаштирилган бўлиб, амалда 38134.8 минг сўм ёки 100 фоизга бажарилди.

Йирик иншоотларни таъмирлаш бўйича:

Сўх дарёсига қурилган Сариқўрғон сув тақсимлаш иншоотида 1.800 тупроқ иши, 152 м<sup>3</sup> бетон иши, 12.8 тонна металл ишлари 15300 минг сўмга, Сўх дарёсидаги Қўқон сув тақсимлаш иншоотида 122.55 минг м<sup>3</sup> тупроқ иши, 55,7 м<sup>3</sup> бетон ишлари 10860 минг сўмга, Исфара-Сирдарё ИТБ ҳисобидаги Шўрсув сел омборида доимий алокани ташкиллаш мақсадида "Ўзмобиал" алоқа воситаси, электр жихозларни таъмирлаш ишлари 1800 минг сўмга, Қўрғонтепа сув омбори периметри Ўзатув ускунаси "UZROSS-TECHNO" ҚҚ томонидан 52719.3 минг сўмга, Исфайрамсойдаги Полмон сув тақсимлаш иншоотида 13.791 минг м<sup>3</sup> тупроқ иши, 9,6 м<sup>3</sup> темир-бетон ишлари 14023 минг сўмга, Шохимардонсойдаги Водил сув тақсимлаш иншоотида 12.35 минг м<sup>3</sup> тупроқ иши, 62 м<sup>3</sup> бетон иши, 0.26 тонна металл иши, 7290 минг сўмга бажарилди.

### **Асосий қисм:**

#### **1. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда сув хўжалиги тармоғининг роли ва аҳамияти**

Ўзбекистон аграр сектори маҳсулотининг 90 фоизидан ошикроғи суғориладиган майдонларда етиштирилади. Демак, мамлакат аҳолисининг таъминоти, қайта ишлаш саноати корхоналарининг хом ашё билан таъминланиши даражаси ҳам аввало сув билан боғлиқ.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларни кенг кўламда амалга ошириш, мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари ериштириш ва бу турдаги маҳсулотлар билан аҳолини узлуксиз таъминлаш, асосан, сув хўжалиги мажмуасининг самарали ишлашини ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланишни тақоза этади.

Республикамызда суғориладиган экин майдонлари бугунги кунда 4278,8 минг гектар бўлиб, ирригация қурилишига асосланган суғориладиган деҳқончилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш балансига тобора кўпроқ ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ирригация ва мелиорация қурилиши, суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш аграсаноат мажмуасида (АСМ) муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда тобора такомиллашиб бораётган аграсаноат мажмуасида, саноат, қишлоқ хўжалиги, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга оширувчи ўзаро боғланган, кичик ва ўрта, ёрдамчи тармоқлар хўжалиги ҳамда инфратузилма тармоқлари мавжуд.

Агросаноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмини суғориладиган деҳқончилик минтақаларида сув хўжалиги мажмуаси ташкил этади. Агар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган сув ресурсларининг аҳамияти, ўрни ҳамда суғориладиган деҳқончиликдаги моҳияти ҳисобга олинса, сув хўжалиги мажмуасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги аҳамияти қай даражада юқори эканлиги яққол намоён бўлади.

Хозирги кунда, республика сув хўжалиги мажмуасига Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг таркибига кирувчи сув хўжалиги Департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоятда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, уларнинг 163 туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари, ирригация ва сув қурилиши трестлари, уларнинг қурилиш-монтаж ташкилотлари, вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари, уларнинг туманлардаги бўлимлари, вилоят гидрогеология-мелиоратив экспедициялари ва экспедицияларнинг туман бўлинмалари, йирик магистрал тизимлари бошқармалари, мавжуд сув омборларини ишлатиш бошқармалари, ҳавза суғориш (эксплуатацион) тизими бошқармалари, сув истеъмол қилувчи жамоа, ширкат, ижара, фермер ва деҳқон хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, аҳоли ва саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари ишлаб турибди.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида мавжуд сув манбалари асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга икки йўл билан эришиш мумкин:

- мавжуд суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни интенсивлаш (жадаллаштириш, ташкилий-иқтисодий омилларни қўллаш);

- янгидан ўзлаштириладиган ва суғориладиган қўриқ ерлар ҳисобига суғориладиган майдонларни кенгайтиришда сув ресурсларини қайта тақсимлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланиш йўли билан.

Бу эса, ўз навбатида, ўзлаштирилган янги ерларни суғориш, кенг ёйилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив ва интенсив шакллари ўзида ифодалайди. Муайян ер массивларини суғориш ҳамма гидротехник ва эксплуатацион иншоотлар, суғориш тизимлари ҳамда мелиоратив тизими билан бирга сув хўжалиги мажмуасини салоҳиятидан самарали фойдаланишни тақоза этади. Суғориладиган ҳудудлардаги ҳар суғориш тизим ёки тармоқ айти бир вақтда бир неча бир хўжаликка хизмат қиладиган бўлса, ички хўжалик суғориш тармоғи ёки суғориш тизими деб

юритилади. Суғориладиган ҳудудларининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига қараб, икки ёки бир неча хўжаликка хизмат қилувчи суғориш, захни қочириш тизимлари туманлараро, вилоятлараро, республикалараро суғориш тизимлари деб аталади.

Сув хўжалиги мажмуаси объектларини қуриш ва эскиларини қайта таъмирлаш сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Сув ресурсларига нисбатан ўсиб бораётган талабни қондирилиши учун ҳар бир тармоқ ва умуман, халқ хўжалиги иқтисодиёти манфаатларини ўзаро ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ҳал қилиш учун зарур бўлган бундай объектларни барпо этиш, кам сув талаб қиладиган экинлар майдонини кўпайтириш, янги, тезпишар, серҳосил пахта ва бошоқли дон экинлари навларини жорий қилиш ҳамда сув ишлатилмайдиган технологияларни қўллаш ҳолат муҳимдир. Суғориш ва зах қочириш тармоқлари, каналлар, гидротехник иншоотлар, гидротехника, балиқчилик хўжалиги ва сув транспорти объектларининг асосий таркибий қисмлари мазкур мажмуани ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини сув билан самарали таъминлаш суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантиришнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Илмий тадқиқотлар ва таҳлилларнинг кўрсатишича, суғориладиган деҳқончилик ҳозир давлатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинаётган сувнинг 75-80 фоизини истеъмол қилмоқда. Истеъмол қилинаётган сув Марказий Осиё ҳудудида ҳам шунчани ташкил этади. Агар бу ҳудудда 1990 йилда сув сарфларини 62 миллиард кубометрга, 2000 йилда эса 70 миллиард кубометрга етказиш мўлжалланган бўлса, ҳақиқатдан 1990 йилда 58,1 миллиард кубометрни, 2000 йилда 53,71 миллиард кубометрни ташкил этади. 2001 йилда бу кўрсаткич 45,0-50,0 миллиард кубометр даражасида бўлди (2-илова).

Сув миқдори озайиши туфайли 1999-2001 йилларда Марказий Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳарорати нисбатан кўтарилади, ҳаво

атмосферасида намлик миқдори камайди, 2002 йилда эса, ҳолат яна ўзгарди, ҳарорат ва намлик миқдори нисбатан кўтарилди.

Бир қатор давлатларда суғориладиган ер майдонларини кўпайтириш муаммоси ҳал этилмай келинаётганининг асосий сабабларидан бири-сув манбалари, суғориш тармоқлари камлиги билан боғлиқ. Бу муаммо Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам тегишлидир.

Янгидан суғориладиган ерлар кўлами ортаётгани сабабли Ўзбекистонда сув ресурслари муаммоси долзарблигича қолмоқда. Оқибатда сув кам бўлган йиллари (1998, 1999, 2000, 2001 йиллар), суғориладиган майдонларни сув билан таъминлашда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Шу боис мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда таъкидлаганидек «... 2000 йил кўп жиҳатдан, авваламбор, мураккаб об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги сабабли биз учун ноқулай келди. Ёғингарчилик кам бўлганидан Амударё ва бошқа ички сув манбаларимизда сув миқдори зарурий меъёр даражасининг 25-40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада, республикаимизнинг катта-катта майдонларида сўнгги юз йилда кузатилмаган қаттиқ қурғоқчилик рўй берди. Бугдой ҳосилини сақлаб қолиши мақсадида, сув омборларининг кўп йиллик ва мавсумий сув захиралари ёз бошларидаёқ сарфлаб бўлинган эди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 16 миллиард сўмга яқин, Хоразм вилояти бўйича 11 миллиард сўмдан зиёд зарар кўрилади. Шунинг учун унутмаслигимиз керакки, биз ҳосилимизнинг 96 фоизидан ортиғини суғориладиган ерлардан оламиз. Шу боис ҳам ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари Ўзбекистон учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга». Таҳлиллар эса айтиши шунингдек, бу масалаларга оид кўплаб ечим топилмаган муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатмоқда. Ҳаётнинг ўзи биздан бу муҳим соҳадаги ишларимизга бўлган муносабатимизни тубдан

кайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг тақдири, демакки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларимизнинг ҳал этилиши, пировард натижада, мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти хавфсизлиги, бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва самарадорлиги билан боғлиқ. Сув танқислиги вақти-вақти билан такрорланиб туришини ҳисобга олиб:

-сув танқислиги, сувдан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг оқибатида йўқотилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик;

-камсувлик натижасида санацияга тушган хўжаликларнинг ҳолатини аниқлаш;

-маҳсулот етиштирувчи деҳқоннинг сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш ва унга давлат томонидан ёрдам кўрсатилаётган усулларини ишлаб чиқиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 96 фоизидан ортиғи суғориладиган майдонлардан олинаётганлигини ҳисобга олиб, сув истеъмолчиларига имтиёз бериш;

-ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида уларнинг моддий техника базасини яхшилаш;

-суғориладиган ерларнинг 50 фоизи таъмирлашга муҳтожлигидан келиб чиқиб, бу жараёнга замонавий усулларни жорий этиш;

-мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар саҳни кўпайиши Билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида ишлар кўламини мунтазам бориш;

-хўжалик ичидаги талабга жавоб бермайдиган суғориш иншоотларининг қувватини ошириш учун давлат ва хўжаликлар ҳисобидан ажратиладиган капитал маблағлар миқдорини кўпайтириш йўллари топиш;

-умуман, суғориладиган экин майдонларини сув билан барқарор таъминлаш ва сувдан самарали фойдаланиш масаласига кенгроқ ёндашиш лозим.

Мамлакатда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган, концепция ишлаб чиқилган, унинг биринчи босқичи сифатида 2002-2004 йилларга мўлжалланган дастур ҳам қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Аммо, хўжаликлар ва бошқа сув истеъмолчилари етарли молиявий имкониятларга эга эмаслиги учун бу дастурни тўлиқ амалга ошириб бўлмаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, жойларда сувдан фойдаланиш бўйича амалдаги қонун бандларини бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, лимит интизомига амал қилмаслик каби ҳолатлар кўп учрамоқда. Натижада, кўплаб сувдан фойдаланувчилар жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги, аввало, суғориладиган деҳқончиликнинг сувга бўлган талаби мамлакатнинг бу борадаги эҳтиёжига нисбатан 85 фоиздан ортиқроқни ташкил қилади. Сув хўжалиги мажмуасини ишлатиш Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларда Агросаноат давлат қўмитаси сўнгра, янги ташкил қилинган Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилган эди. Бу ташкилотлар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари билан ҳам кенг миқёсда шуғулландилар ва шу мақсадга хизмат қилувчи коллектор-зовур тизимлари, шу жумладан, тик дренаж қудуқлари ва ёпиқ дренаж тизимлари эксплуатациясини ҳам амалга оширдилар.

Республика сув хўжалиги, айниқса, унинг ташкилий, маъмурий ва ишлаб чиқариш томонларини ўзида мужассамлаштирган мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, гарчи, у маъмурий-бўйруқбозлик тизими давридаги каби ташкил топган бўлса ҳам, халқ хўжалигининг йирик ва яхлит соҳасига айланди, давлатнинг сувдан фойдаланиш борасидаги сиёсати ва бу борадаги тадбирларни марказлаштирган ҳолда олиб бориш, айрим камчиликларга қарамай, сув хўжалиги қурилиши бўйича йирик лойиҳа ва унгабоғлиқ чоратадбирлар тезкорлик билан амалга оширилиши учун шароит яратди. Булар сув хўжалиги ва унинг ўзагини ташкил қилган Мелиорация ва сув хўжалиги

вазирлиги ва соҳага хизмат қилувчи вазирликларда ҳам чуқур иқтисодий, ташкилий ислоҳот ва ўзгаришлар амалга оширилишини замон талабига айлантирди. Эндиликда сув истеъмолчилари ва ундан фойдаланувчилардан тортиб сувни жойларга етказиб, уни тақсимлаб берувчи ташкилотлари, миробларгача сувдан оқилона фойдаланиш муқаддас бурч эканлигини тушуниб етишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 13 августдаги «Сувдан ҳамма соҳаларда меъёрланиб (лимит асосида) фойдаланишни жорий қилиш тўғрисида»ги қарори бу соҳада ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратди. Бу қарорни амалга ошириш мақсадида манфаатдор иккита вазирлик - Мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ва республика мева, сабзавот ва виночилик бирлашмаси қўшма буйруқ чиқардилар. Унга кўра, юқорида қайд этилган қарор бажарилишини таъминлаш юзасидан муайян тадбирлар белгиланди, шунингдек, илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари ишлаб чиқариш жараёнида сувни тежайдиган кўплаб янги технологияларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш учун беришлари лозим. Сувдан фойдаланиш ҳақида сўз борар экан, ундан оқилона фойдаланишнинг ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлари ҳам мавжудлигини унутмаслик керак. Маълумки, ота-боболаримиз «сув-ёруғлик, у-мўътабар ва оллоҳнинг ўз бандаларига қилган улуғ инъоми, сувни исроф ва ифлос қилиш гуноҳи азим» деб билганлар. Бу эзгу тушунчаларни ёшлар онгига ҳам сингдиришга ҳаракат қилганлар. Кейинги ўн йилликлар давомида эса ана шу тушунчаларга тескари ўларок, «сув-табиатнинг қайта тикланаверадиган бепул инъоми, ундан табиатни қайта қуриш соҳасидаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланаверамиз», деган ғояларни илгари сурдик ва эндиликда чуқур ўйланмай қилинган хатти-ҳаракатларнинг салбий натижаларини бартараф қилиш йўлида бош қотирмоқдамиз. Бу соҳадаги қадриятларни тиклаш ғоят муҳим бўлиб қолди.

Миллий мафкура яратишда сув, уни ишлатиш ва мухофаза қилиш муаммоси барчамизнинг диққат марказимизда бўлиши керак.

Табиийки, сув хўжалиги ва унга тегишли барча объектларни эксплуатация қилиш соҳасидаги ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу боис бу ислохотлар босқичма-босқич, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга мос ҳолда олиб борилмоқда.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги, асосан юқорида айтганимиздек, сув хўжалиги иншоотлари самарасини ошириш билан шуғулланди, сувни бевосита деҳқончиликда истеъмол қилувчилар эса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфида эди. Натижада, сувдан фойдаланиш ва мелиоратив тизимларни ишлатиш иккита вазирлик зиммасига юклатилган бўлиб, кўпроқ эътибор бу вазирликлар орасидаги муаммолар ҳал қилинишига қаратила бошланди. Бундай ҳолат мустабид тузум даврида ҳам бўлган, лекин ижобий натижа бермаган эди.

Шуни ҳисобга олиб, мамлакатда сув хўжалиги мажмуасини ва сувдан фойдаланишни самарадорлигини ошириш мақсадида республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан, республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан бирлаштирилиб, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Шундай қилиб, сувни етказиб берувчи ва истеъмолчиларнинг яхлит тизими вужудга келди.

Сув хўжалиги ва эксплуатация ишларининг иқтисодиёти ҳақида гапирар эканмиз, шу нарсага эътибор беришимиз керакки, мустабид советлар тузуми даврида сув истеъмолчиларга қонун асосида «бир умрга бепул фойдаланишга» берилди ва натижада, сув хўжалигини маблағ ва ресурслар билан таъминлашни давлат бутунлай ўз зиммасига олди. Бир қарашда катта ижтимоий ютуқдай кўринган бу ҳолат сувдан фойдаланиш жараёнида аста-секинлик билан ўзибўларчилик кайфиятини уйғота бошлади. Натижада сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини берувчи иқтисодий механизм ишламади. Бундай ҳолат, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш моҳиятига зид эди. Шу туфайли у қайта кўриб чиқилди. Сувдан

фойдаланиш механизми бозор иқтисодиёти шароитига мос равишда қайта яратила бошланди. Суғориладиган деҳқончилик ва ирригация ишлари тараққий этган қатор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, давлатлар имкониятига ва шароитига қараб, сув хўжалигининг капитал маблағга бўлган талабини (эксплуатация харажатларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 20 фоиз дан 50 фоизгача қондирар экан, қолган қисмини эса сув хўжалиги корхона ва ташкилотлари ўз хўжалик фаолиятлари асосида жамлар эканлар. Республикамизда ҳам иқтисодий ислохотлар жараёнида хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига ўтилаётгани ва мулкка эгалик муносабатлари ўзгараётгани сабабли сув хўжалиги учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ улуши ҳам аста-секин камайиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, сув хўжалигини капитал маблағлар билан таъминлашда давлат улуши камайиб бормоқда. Эндиликда, бу жараённи бозор муносабатларига янада яқинлаштириш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш керак:

- халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида сувдан ва унга тегишли хизматлардан пулли фойдаланишга ўтишни тезлаштириш;

- сувдан фойдаланувчи ва истеъмол қилувчиларнинг маблағларни эксплуатация ишларига, сув хўжалиги ва мелиорация объектларини қуришга, таъмирлаш ишларига бевосита ва билвосита сарф қилиш йўллари топиш ва рағбатлантириш;

- ирригация ва мелиорацияга хизмат қиладиган махсус фондлар, банк ва кредит тизимини ташкил қилиш;

- ҳомийлар топиш, ҳар хил ёрдам фондлари, халқаро ташкилотлар фондалари ва бошқа маблағлардан фойдаланишни ташкил этиш;

- сув хўжалиги ва эксплуатация ишларига ажратилган капитал маблағлардан давлат улуши миқдорини илмий асослаб, уни сарф қилиш ва ишлатиш йўллари ишлаб чиқиш;

- Жаҳон банки, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар маблағларидан грант ва кредит сифатида фойдаланиш;

-сув хўжалиги ва эксплуатация ишларини капитал маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш. Сув истёмоличлари мулк шакллариининг ўзгариши, айниқса, суғориладиган деҳқончиликда фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг кескин кўпайиши, уларнинг сувга бўлган талаби миқдор ва вақт нуқтаи назаридан турли-туманлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида муайян ташкилий ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилишини тақоза этади. Сув хўжалиги, уни бошқариш ва эксплуатация ишларида сувдан фойдаланувчи ва истёмоличларнинг уюшган гуруҳлари бевосита ёки билвосита қатнашувларини ҳаётнинг ўзи заруратга айлантирди.

Аммо, ҳаёт бу қонун ва қарорларга тегишли ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда. Бинобарин сув хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар, ва босқичма-босқич кечаётган ислохотлар миллионлаб фуқороларнинг, сувдан фойдаланувчиларнинг манфаатларига тегишли бўлиб, уларни ижтимоий ва иқтисодий томондан ҳимоялаш ҳам фақат қонунлар ва ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилиши керак. Шундай қилиб, сув хўжалиги ва унинг эксплуатация соҳасида юз бераётган ислохот ва ўзгаришлар кенг қамровли, босқичма-босқич амалга ошириладиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий жараёнларни ўз ичига олиши лозим.

## **2. Мамлакатимизда сув хўжалиги тизими ва сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини ривожлантириш хусусиятлари**

Ўзбекистон фермер ва деҳқон хўжаликларида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича бир қатор ишлар қилинди ва қилинмоқда. Сув истёмоличлари уюшмалари фаолияти такомиллаштирилмоқда. Ҳали бу уюшмаларнинг ишини такомиллаштириш учун ҳуқуқий ташкилот ва иқтисодий муносабатлар бўйича қатор ишлар амалга оширилиши зарур.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, «Ерни боқсанг, ер сени боқади». Бу сўзлар фаолиятимиз учун дастур қилиб олинishi керак. Энг муҳими, сув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик асосларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ҳеч бир давлат ер ва сув масалаларини ижобий ҳал этмасдан туриб, ўз халқини боқиш, қолаверса, қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришга эришолмаган. Чунки, бу масала давлатнинг иқтисодий, сиёсий ривожланиши қай йўсинда илгарилашини ёки орқада қолишини белгилаб беради.

Деҳқончилик ва суғориш муаммолари бугун ёки кечагина вужудга келмаган. Бу муаммолар минг йиллар давомида инсониятни ўйлантриб келмоқда. Қадимий мусурмон шариати қонунларида қуйидаги битиклар бор:

«Агарда, сув эгаси бирор бир кишига сув беришдан бош тортса ва сувга муҳтож киши ўзи ёки ўз ҳайвонининг нобуд бўлиши эҳтимолини сезса, у ҳолда сувга муҳтож киши қўлига қурол олишга ҳақли, чунки сув эгасининг сув беришдан бош тортиши сувга муҳтож кишини ўлимга олиб келиши мумкин».

«Сув йўллариини чуқурлаштириш ва тозалаш ишлари, агарда у хусусий мулк бўлмаса, у ҳолда бу ишлар бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу харажатлар солиқлар ҳисобига қопланади».

Амир Темур даврида ҳам экин майдонларини сув билан таъминлашга эътибор кучли бўлган. Чунончи, «Темур тузуклари» да, бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Сув таъминоти тизими қандай бўлмасин барибир молиявий маблағ билан боғлиқ. Мамлакат миқёсида сувга ҳақ тўланиши, албатта, масаланинг бир томони, лекин маблағ тўлаш жуда кучли таъсир ўтказиш воситаси бўлиб, сувдан фойдаланувчилар хулқига ва кайфиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам амалда сувдан фойдаланувчилар қандай ва қанча ҳақ тўлашлари кераклиги, сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни иқтисодий бошқаришга олиб келади.

Суғориш учун сув ресурсларига бўлган талаб Ўзбекистон сув хўжалиги мажмуаси учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1 кубометр сув сарфига етиштирилаётган миқдорини кўпайтириш масаласини жорий этиш лозим.

Бу, ўз навбатида, сув ресурсларини вақтида, керакли миқдорда, энг зарур пайтда, яхши тупроқ, яхши уруғдан фойдаланиб, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодига усулларини қўллаб ва ниҳоят, маҳсулот етиштирувчилар учун ҳосилдорликни максимал юксалтирган ҳолда тежамкорлик билан сарфлашга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини фермерлар ташкил қилади. Шу сабабли улар масъули, қобилиятли ва юқори маълумотли, тажрибали менежер, ўз ишининг билимдони бўлишлари керак. Аввало, уларда ерга ва сув ресурсларига бўлган муносабатни бозор муносабатлари талаби даражасида шакллантириш зарур. Бу борада шунингдек, қишлоқ хўжалигида банд бўлган сув мутахассисларининг ижтимоий ваколати ва фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Олинадиган сув ресурсларининг 90 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги учун сарфланар экан, сувдан фойдаланиш, тақсимлаш, сувни йўқотилишини камайитириш бўйича илғор тажриба ва янги усуллардан унумли фойдаланиш керак.

Ер ва сув ресурслари самарадорлигини белгиланган ва мақсадга мувофиқ тарзда юксалтириш ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлар билан ишлаб чиқарувчилар етарли даражада таъминланган эмас. Бундай ахборотларсиз тегишли ҳолатни таҳлил қилиш ва ўзаро қиёслаш қийин. Шунинг учун суғориладиган майдонларда кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш керак. Бунда эътибор берилиши зарур бўлган муҳим муаммолардан бири, ерларнинг шўрланиш даражасини сурункасига ошиб боришдир. Шундай экан ерлар шўрланиб кетишининг олдини олиш чораларини кўриш улар шўрлангандан кейин олиб бориладиган ишларга нисбатан арзон тушади.

Бу тадбирга молиявий, сиёсий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатларини бириктириб, ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун сув хўжалиги мажмуасида қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб бориш керак:

- дренаж сувларидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш ва шўрга чидамли экин турларини кўпроқ экиш;

- ҳавзадаги кутилаётган сув миқдори ва табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, экин турларини танлаш ва уларнинг оптимал суғориш режимини ишлаб чиқиш;

- ўта юқори даражада шўрланган сув ҳавзаларидан биокимёвий воситаларнинг манбалари сифатида фойдаланиш йўллари аниқлаш;

- минтақадаги табиий яйловлар, саҳро ва ярим саҳроларнинг сувга бўлган талаблари бўйича тўлиқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- сув ресурсларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиш даражаси ва эҳтиёжлар инобатга олинган ҳолда таснифлаб чиқиш;

- шўрланган ерларни тиклаш лойиҳалари бўйича тўлақонли илмий-амалий дастурлар тайёрлаш;

- фойдаланилаётган суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

- ишлаб турган суғориш тармоқларининг сув исрофгарчилигини камайтириш йўллари белгилаш;

- сувнинг нархини белгилаш услубиятини яратиш ва сувни тежаш технологияларини жорий қилиш орқали сув ресурслари сарфини камайтириш ва сув баҳосини пасайтириш устида тадқиқот ишларини олиб бориш.

Мустобид тузум давридан қолган қоидалар, стандартлар, лойиҳалаш тартиблари бошқа соҳалардаги каби сув хўжалиги ва қолаверса, сув ресурслари таъминоти соҳаларида ҳам сақланиб қелаётганлиги сир эмас. Улар узоқ вақт давомида қўлланилиши туфайли мутасадди ходимлар онгига сингиб қолган. Эндиликда бу қоидалар стандартлар ва лойиҳалаш тартиблари аста-секинлик билан бўлсада, янги вазиятга, маҳаллий

шароитларни инобатга олган ҳолда минтақавий доирага мослаштирилиши ва мамлакатлар миқёсида ўзгартирилиши керак. Қонунларга ва меъёрий ҳужжатларда киритилиши керак бўлган, бу ўзгаришлар сув ресурсларидан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланиш ташкил қилинишини таъминлаши лозим.

Дунё мамлакатлари амалиётида сувли ерлар шароитида фермер суғориш учун сарфлаган сув ресурсларига тўла миқдорда ҳақ тўламайди. Аксарият ҳолларда, улар турли фаолият йўналишлари бўйича давлатдан қўшимча субсидиялар ҳам оладилар. Аммо, кўпчилик ҳолларда хўжаликда биринчи маротаба етиштирилган маҳсулотлар ҳукумат томонидан солиқларга тортилади ва шу йўл билан маблағнинг бир қисми сув истеъмолчиси томонидан қайтариб олинади.

Шундай қилиб, хўжаликлар сув ресурсларини етказиб берганлик учун ҳақ тўлашлари керак. Сувга ҳақ тўлаш йўлига ўтиш ҳам у қадар катта қийинчилик туғдирмайди. Худди шу усул билан сувдан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишга эришиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда сувни етказиб берганлик учун ҳақ тўлашга етарли шароит йўқ: биринчидан, тупроқ унумдорлигини сизот сувларни қочириш ва бошқа усуллар билан тиклаш тадбирлари жуда катта маблағ сарфлашни тақозо этади; иккинчидан, ширкат ва фермер хўжаликлари молиявий ҳолат ёмонлашганлиги ҳисобига суғориш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига маблағ ажратиш имкониятга эга эмас, бу жараёндаги харажатларни давлат ўз зиммасига олган ва бюджет ҳисобидан қопламоқда; учинчидан, зарар билан ишлаётган ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш ер майдонлари янада майдалашиб кетишига, бу эса ариқлар ва коллекторлар кўплаб хўжаликлар ҳудудидан ўтишига олиб келмоқда, уларни хўжаликлараро иншоотларга айлантириш заруратини туғдирмоқда.

Мустақил Ўзбекистон сув хўжалиги мажмуасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, суғориладиган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжни қоплаш учун қишлоқ хўжалиги

корхона ва ташкилотлари сув хўжалиги мажмуаси билан ҳамкорликда ишлашлари, бу жараёнда минтақадаги суғориладиган ерлари чегараланганлигини, табиий иқлим шароитларини эътиборда тутишлари зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ишлаб чиқариш муносабатларини эркинлаштириш имконига эга. Экин майдонларидан мўл ҳосил етиштиришда моддий, табиий сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифалар ижросининг натижаси барча корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларни сув билан таъминлаш, суғориш ишларининг сифати ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш даражасига боғлиқ.

Умуман, суғориладиган экин майдонларини сув ресурслари билан мунтазам ва кафолатли таъминлаш, улардан унумли фойдаланишдек кенг қамровли ва долзарб, қолаверса, зудлик билан ечилиши зарур бўлган масалага келажакни ҳисобга олган ҳолда атрофлича ёндашиш тақозо этилади.

Мустақиллик даврда хўжаликлараро сув шаҳобчаларининг фойдали иш коэффиценти нисбатан юқори (тобора ошиб бораётган бу кўрсаткич, 2000 йилда мамлакатимиз миқёсида ўртача 75 ни ташкил этди) бўлсада, хўжаликлар ички суғориш шаҳобчаларининг бу борадаги кўрсаткичлари анча пастлигича (2000 йилда ўртача 60 ни ташкил этган) қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, сув ресурслари хўжаликка етиб боргунча, юқори даражада ерга ва ҳавога буғланиши, бу жараён, айниқса, узок масофадан оқиб бориши натижасида самарадорлиги пасаяди. Масалан, кейинги йилларда мамлакатимиз шароитида суғориш шаҳобчаларининг фойдали иш коэффиценти ўртача 0,6 дан ошмаяпти, суғориш учун ажратилган сувнинг катта қисми ерга сингиб исроф бўлмоқда. Бунга мамлакатимиз суғориладиган экин майдонларининг қарийб ярмидаги суғориш шаҳобчалари маънавий ва жисмоний эскирганини (баъзи сув иншоотлари қурилганига камида 25 йил ва ундан ортиқ бўлган) ҳам сабаб бўлмоқда.

Демак, уларни замонавий технологиялар асосида қайта қуриш ва таъмирлаш лозим.

Мавжуд ерлардан самрали фойдаланиш ва уларнинг ҳосилдорлигини мунтазам ошириб, бориш қайта шўрланишига йўл қўймаслик чораларинигина эмас, балки қулай мелиоратив ҳолатини сақлаш ва мустаҳкамлаш имконини берувчи тадбирлар амалга оширилиши ҳам талаб қилади. Бунда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби сув хўжалиги мажмуасида ҳам ташкилот ва корхоналарни, бирлашма ва бошқармаларни ва муассасаларни пул маблағлари билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади бу борадаги таъминот эса икки манбадан - бюджетдан ва хўжалик ҳисобидан амалга оширилади.

Суғориладиган ерларда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни сув истеъмолчиларига етказиб бериш, бу вазифалар амалга оширилиши билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган барча иншоотлар ва тизимларни эксплуатация қилиш жараёни маблағ билан бюджет ҳисобидан қопланмоқда. Смета харажатлари асосида иш юритувчи бу ташкилот ва корхоналар ҳамма чиқимларини, жумладан:

- ишчи хизматчилар иш ҳақлари ва ижтимоий жамғармаларга ажратмалар;

- насос станцияларини ишлатиш ва зарурий сув ресурсларини етказиб бериш учун ишлатилган электр энергия харажатлари;

- суғориш иншоотлари ва тизимларини жорий ва капитал таъмирлаш учун зарурий харажатлар;

- асосий воситаларни сақлаб туриш ва янгиликларни олиш харажатлари;

- автотранспорт ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари харажатлари;

- коммунал хўжалик харажатлари;

- ижтимоий йўналишларга сарфланган (боғча, мактаб каби) харажатлар ва бошқа харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

**Сирдарё-Сўх ИТХБнинг эксплуатация  
харажатлари тўғрисида маълумот  
(млн. сўм)**

| №            | Харажатлар номланиши                    | 2010 йил | 2011<br>йил | 2012 йил | 2012 йил<br>2010 йилга<br>нисбатан<br>(+; -) |
|--------------|-----------------------------------------|----------|-------------|----------|----------------------------------------------|
| 1.           | Иш ҳақи ва ажратмалар                   | 160,1    | 172         | 184,9    | +24,8                                        |
| 2.           | Ижтимоий эҳтиёжларга<br>ажратмалар      | 38,7     | 41          | 44,9     | +6,2                                         |
|              | Товар ва хизматлар<br>бўйича харажатлар | 70,2     | 78,5        | 80,9     | +10,7                                        |
|              | Асосий воситалар бўйича<br>харажатлар   | 5,4      | 6           | 6,1      | + 0,7                                        |
| <b>Жами:</b> |                                         | 274,4    | 297,5       | 316,8    | <b>+ 42,4</b>                                |

Бу харажатлар моддий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эмас, балки уни ривожлантириш ва маҳсулот миқдорини кўпайтириш билан билвосита боғлиқ. Суғориладиган ерларда сув ресурсларидан фойдаланиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш, бу вазифалар амалга оширилиши билан боғлиқ хизматларни хизматларни кўрсатувчи бу ташкилотлар Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига киради. Улар вилоятлар сув хўжалиги бошқармалари, вилоятлар гидрогеология экспедициялари, вилоятлар насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари, вилоятлар сув омборларини ишлатиш бошқармалари, худудлараро ва бир худуд доирасидаги йирик магистрал каналларини ишлатиш бошқармалари, туманлараро каналлар бошқармалари ва уларнинг тумандаги бўлинмалари, юқоридаги ташкилотларга хизмат қилувчи автокорхоналар, алоқа воситалари, йўллар, электр тармоқлари каби инфратузилма бўлимлари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда худудлараро бир қатор давлат идоралари (Ўрта Осиё республикалараро Амударё ва Сирдарё сув хавзалари бирлашмалари) кабилардир.

Хўжалик ҳисобида иш юритувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз харажатларини ўзлаштирилган қурилиш-монтаж қувватларини ишга тушириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш ҳисобидан олган маблағлари эвазига қоплайдилар. Буларга ишлаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, қурилиш трестлари ва уларнинг механизациялаштирилган кўчма колонналари, автотранспорт корхоналари, саноат корхоналари, ихтисослашган кўчма қурилиш колонналари, лойиҳа - қидирув институтлари, ишлаб чиқариш заводлари ва бошқалар киради, у ўз навбатида, бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишли ҳисобланади.

Сув хўжалиги мажмуасининг икки шаклдаги корхона ва ташкилотлари, бирлашма ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлари йил учун берилган смета харажатлари миқдorigа қараб иш юритсалар, хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг миқёслари ва шакллари ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари даражасига, имкониятларини ишга солиш қобилиятларига боғлиқ.

Суғориш манбаларидан сув олиш, уни сув истеъмолчиларига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган эксплуатация харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қопланиб келинмоқда. Шу давргача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархида ишлатиладиган сув қиймати ўз ифодасини топмаган: сув ресурслари истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Бу эса, сув хўжалиги ташкилотлари ва уни истеъмол қилувчилар сув ресурсларидан самарали фойдаланмаслигига сабаб бўлмоқда. Сувни етказиб бериш тўловларини белгилаш ва аста-секинлик билан жорий этиш учун фикримизча, биринчи навбатда қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- судан фойдаланувчилар учун сув тўлови миқдорини ҳудудий шароитлардан келиб чиққан ҳолда (бошланғич қиймат унча катта бўлиши шарт эмас) вақтинчалик қийматлар асосида 100 кубометр сувга белгилаш;

- судан фойдаланувчилар учун олинган сувга уларнинг жойлашувига ва тупроқ хусусиятига қараб нарх белгилаш;

-сувдан фойдаланувчилар учун ташлама сув учун тўловлар қийматининг ягона нархларини белгилаш;

-мамлакат ҳудудидаги барча ГЭС лар сув хўжалиги мажмуаси ихтиёрига берилиши керак. Ишлаб чиқарилган электр энергияни давлат томонидан белгиланган нархларда (ГЭСларнинг эксплуатацияга кетган маблағлари миқдорини чиқарган ҳолда) сотиш;

-электроэнергия сотилиши ҳисобига йиғилган маблағларни биринчи навбатда мажмуадаги ГЭС ва суғориш тизимларини қайта реконструкция қилиш, қолаверса, сув хўжалигини ривожлантириш учун ишлатиш;

-электр энергияни олиш ва унинг ишлатилган миқдорлари учун алоҳида ягона нархлар белгилаш;

-барча суғориладиган ер майдонлари учун, уларнинг ҳудудий жойлашуви ва қайси сув ҳавзасига боғланганлигига қараб, қолаверса, ерларнинг балл-бонитетини ҳар гектар бўйича ҳисобга олиб, ердан келиб чиққан ҳолда ягона мажбурий солиқ ставкалари миқдорини қайта белгилаш;

-сув тақчиллиги сезилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда хўжаликлар, туманлар, вилоятлар доирасида умумий суғориладиган ер майдонлари ҳисобидан, экинлар турларидан қатъий назар, сув ресурсларининг қаттиқ лимитлари чегарасида олинган сув ресурсларига ягона тимсолий нархлар миқдорини белгилаш;

-сувга баҳо белгилашда, сувдан фойдаланувчиларнинг жойлашган ҳудудини, ҳудуднинг унинг таркибий хусусиятларини (адирлик, тоғолди, захкаш ерларни) ҳисобга олиб, баҳолаш бўйича фарқларни белгилаш тартибларини ишлаб чиқиш;

-лимит чегарасидан ортиқ сарфланган, исрофгарчиликка йўл қўйилган, сувни тежаб бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрилмаган тақдирда, тўловларини камида 30 фоизга ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирлар уч босқичда бажарилиши керак:

Биринчи босқичда (ўртача 3 йил)да 7 ва 8 бандлардан тушган маблағ сув хўжалиги умумий эксплуатация ҳаражатларининг камда 15 фоизини

ташкил этиши, сув хўжалиги тизими эксплуатация ходимларининг иш ҳақи ва ижтимоий жамғарма ажратмалари тўловларини қоплаши лозим.

Иккинчи босқичда сувнинг баҳоси, сув хўжалиги мажмуаси барча асосий воситалари ва фондларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши, тушадиган маблағлар миқдорида (юқорида келтирилган ишлар амалга оширилиши натижасида), мажмуанинг келажакдаги регенерацияси ва қайта қуриш тадбирлари ҳам, албатта, инобатга олинган бўлиши керак.

Учинчи босқичда янги ерларни ўзлаштириш ва мавжуд суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш тадбирлари давлат томонидан ҳар бир хўжалик (мулк шаклидан қатъи назар-ширкат, фермер, жамоа ва бошқа) учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар беришда жараёнини йўлга қўйиш зарур (тўлов муддати камида 10 йилдан кейин бошланиши шарти билан).

Аҳамияти ва кўлами жихатидан улкан ҳисобланган бу тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳудудлараро йирик иншоотлар тузилишига қўйидагиларни киритиш мумкин: Аму-Бухоро ҳудудлараро машина канали бошқармаси; Қарши магистрал каналини ишлатиш бошқармаси; Катта Фарғона каналини ишлатиш бошқармаси; Туямўйин гидротузелини ишлатиш бошқармаси; Зарафшон водийси сув хўжалиги бошқармаси; Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси; Мирзачўл вилоятлараро бирлашмаси; Андижон сув омборини ишлатиш бошқармаси; Хисорак сув омборини ишлатиш бошқармаси; Тўпаланг сув омборини ишлатиш бошқармаси; Сирдарё ва Амударё сув ҳавзалари бирлашмалари ва бошқалар.

Тараққиёти асосан суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ бўлган, суғориш ва мелиорация ишлари тобора кенг кўлам олаётган Ўзбекистон шароитда айниқса, суғориладиган ҳудудларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига имкон берувчи маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кўпайтириш лозим.

Халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг интенсив ривожланиши, аҳоли моддий ва маданий даражасининг юксалиб бориши натижасида ер ости ва ер усти сувларидан фойдаланиш миқдори кўпаяди. Янгидан суғориладиган ва

азалдан сув истеъмол қилиб келаётган ҳудудлар доираси кенгайиб ва кўпайиб боради. Бу жараёнлар сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган, сувни тўғри тақсимлаш ва бошқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитларига мос янги хўжалик механизми вужудга келтирилишини шарт қилиб қўяди.

Сифат даражаси яхши сув ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжни қондириш ва сув ресурсларини ифлосланишдан сақлаш катта маблағларни талаб қилади. Меҳнат қиймати назарияси бўйича фойдаланиш мақсадида (истеъмол қилиш ва суғориш ҳам) оқава, тоза сувни тайёрлаш ва етказиб бериш, уни қўриқлашга кетган меҳнат ва маблағ сарфлари, шубҳасиз қопланиши зарур. Давлат томонидан қилинаётган сарфлар кенг кўламли бўлишига қарамай, бу харажатлар сув истеъмолчилари томонидан қопланмаяпти.

Дарё (сой)нинг сув заҳиралари табиат маҳсулидан ишлаб чиқариш воситасига айнан меҳнат сарфи орқали айлантирилиши билан улар тегишли қийматга эга бўлади. Шундай экан, муайян баҳодаги каналлар, гидромелиорация иншоотлари ва мелиорация фонди тизимларидан мақсадга мувофиқ унумли фойдаланиш шарт.

Муайян пул миқдорида ифодаланган асосий ишлаб чиқариш мелиоратив фондлари вақт ўтиши билан емирилади, эскиради ва ўз қийматининг бир қисмини секин-аста сув ресурсларига (сув шаклидаги товарга) ўтказиб боради. Сув ресурсларини пировард нуқтагача етказиб беришда инсон меҳнати, асбоб-ускуналар, иншоотлар, каналлар, насос қурилмалари, механизмлар ва бошқалардан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга берилган (суғоришгами, шахсий истеъмолгами қатъий назар) ҳар бир кубометр сув миқдорида инсоннинг жонли ва буюмлаштирилган меҳнати моддийлашган шаклга айланиб боради.

Қишлоқ хўжалиги (ердан ва сувдан фойдаланувчининг ҳам) ишлаб чиқариш воситасининг хизмати — сув худди саноатда ва турмушда

фойдаланиладиган газ, энергия каби истеъмол хусусиятига кўра махсус истеъмол қийматига эга бўлган товарга айланиб қолади.

Сув суғориш тизимининг асосий воситаси бўлиб, унинг қиймати қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўз ифодасини топади. У маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтиришга, сифатини яхшилашга ёрдам беради, ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бирлигига жонли ва буюмлаштирилган меҳнат қиймати қўшилиши учун шароит яратади. Эътиборда тутиш зарурки, саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хўжаликларига етказиб бериладиган газ конденсати учун ҳақ тўланади, яъни у товар шаклига киради, сув эса бепул ёки жуда арзон нархда товарга айланади. Дарвоқе, сув газ сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда меҳнат унумдорлигини оширар экан, унга у ёки бу ҳолатда ҳақ тўланишини жорий қилиш лозим. Шунда у ишлаб чиқариш воситаларини қўшимча етказиб бериш учун сарфланган қиймат ўрнини қоплашнинг муайян шакли сифатида намоён бўлади. Э.Акрамовнинг таҳлилларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархида сув сарфининг улуши 30 фоизга яқин. Демак, суғориш учун сарфланган харажатлар сувнинг баҳосида ифодасини топади.

Шундай қилиб, етказиб берилган сув ресурслари ўзига хос товар ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида харажатлар ва жамғариш ҳажмини вужудга келтиради, пировард натижада кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг ўсишига таъсир қилади. Шу сабабли унинг қиймати қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархига киритилиши зарур. Бу маҳсулот таннархи объектив белгиланишини таъминлайди, суғоришнинг илғор усуллари жорий қилиш ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш йўллари излаб топишга даъват этади. Истеъмолчи хўжаликка сувни текинга бериш суғориладиган деҳқончилик шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи сунъий тарзда пасайтирилишига олиб келади, чунки сув етказиб бериш сарфлари умумий харажатларга киритилмайди. Шунинг учун ҳам у ёки бу маҳсулот етиштириш учун

хўжаликлар ҳар хил микдорда сув сарфлайдилар. Сув сарфининг турличалиги тупроқ унумдорлигига, экинлар ва ўсимликлар турига ҳам боғлиқ.

Сув ресурсларини давлат томонидан иқтисодий ва ҳуқуқий-ташкилий тартибга солиб туриш учун суғоришга берилаётган сувга объектив баҳо белгиланиши керак. Бу жаҳонда қурғоқчилик ҳоллари юзага келаётган шароитда сув ресурсларини чекланган Ўзбекистон учун келажакда миллий иқтисодиётни самарали тараққий эттириш учуналоҳида касб этади.

### **3. Қишлоқ хўжалигида сув ресурслари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили**

Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуасининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши давомида аввал мавжуд бўлмаган ўзига хос шундай хусусиятлар пайдо бўлдики, уларнинг ҳар бири илмий таҳлилни ва ечимни тақозо этади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиёдаги иттифоқ республикалар эндиликда мустақил давлатларга айланди. Уларнинг ҳар бирида қонунлар, ўз миллий иқтисодиёти ва ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб яратилди. Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қонунларда ҳам айнан шу жиҳат эътиборда тутилди.

Бунинг устига давлатлараро сиёсий муносабатлар ҳам сув хўжалиги мажмуаси фаолиятига ўз таъсирини кўсатмай қолмади. Жумладан, собиқ иттифоқ даврида Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзалари суви собиқ иттифоқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақсимланиб, ундан фойдаланиш жараёни тартибга солиниб турилган бўлса, эндиликда бу манбалар суви давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тақсимланадиган бўлди. Марказий Осиё давлатларида (Қозғистоннинг Чимкент вилоятини ҳам қўшиб ҳисоблаганда), ҳайдаладиган ерлар 9,3 млн. гектарни, шу жумладан, суғориладиган майдонлар 7,8 млн. гектарни ташкил этади. Дехқончилик маҳсулотларининг 90 фоизи суғориладиган ерлардан олинади. Бу

мамлакатларнинг йиллик сув ресурслари 126 куб километрни, Қозоғистон билан (44 куб.километр) қўшиб ҳисобланганда эса 170 куб. километрни ташкил қилади.

Сирдарё ва Амударё сувлари асосан бошқа мамлакатлар ҳудудида ҳосил бўлиши, бир қатор сув омборлари (Тўхтагул, Қайроққум, Чордарё, Туямўйин) ҳам уларнинг ҳудудидалиги ўзига хос қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Жумладан, Тўхтагул (Қирғизистон Республикаси) сув омборидаги сувларни қиш ойларида энергетика эҳтиёжларига ишлатиши, вегетация даврида сув тақчиллигини келиб чиқармоқда. Қайроққум (Тожикистон Республикаси) сув омборидан олинаётган сув ерларнинг шўрини ювиш даврида етарли бўлмаслиги ҳам катта қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Айнан шу боис, вегетация даврида керак бўладиган сув ҳажмини омборларда ушлаб туриш учун Ўзбекистон қўшимча маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда. Шунингдек, Қарши магистраль каналининг бошланиш қисми ва Туямўйин сув омборининг гидроузели Туркменистон Республикаси ҳудудидалиги ҳам қўшимча харажатлар билан боғлиқ вазиятларни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари бир қатор сув омборларини (Уч қизил, Тўдакўл, Толлимаржон ва ҳоказо) сув билан тўлғизиш учун қиш ойларида насослар билан сув кўтаришга тўғри келмоқда. Бу қўшимча электр энергияси сарфи билан бир қаторда сув омборларидаги сувни сақлаб туриш харажатларини ҳам кўпайтирмоқда. Натижада, сувни истеъмолчиларга етказиб бериш учун сарф-харажат ошиб бормоқда, ўз навбатида, бу маҳсулот таннархи юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Тўғри, бугунги кунда сувга тўловлар йўқ, бу маҳсулот таннархига қандай таъсир кўрсатиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, бу харажатлар маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри қўшилмаса ҳам солиқ ҳисобига бюджетдан қопланаяпти, демак, билан умумдават харажатига киради. Шундай экан, у сувдан фойдаланиш жараёнида сувни тежаб сарфлашни тақозо этувчи омиллардан асосийсидир. Сув танқислигининг олдини олиш ва сув ресурсларининг чегараланганлиги ишлатилган сувдан

қайта фойдаланишни кенг миқёсда жорий қилинишини тақозо этмоқда. Таҳлилларга қараганда, Фарғона вилояти бўйича сув таъминоти охирги уч йилда лимитга нисбатан 101-103 фоизни ташкил этмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал. Фарғона вилояти бўйича сув таъминоти таҳлили**

| №  | Кўрсаткичлари                                      | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|----|----------------------------------------------------|----------|----------|----------|
| 1. | Сув таъминоти, млн м <sup>3</sup>                  |          |          |          |
|    | лимит                                              | 2724     | 3635     | 3351     |
|    | ҳақиқатда                                          | 2751     | 3734     | 3448     |
|    | %                                                  | 101      | 103      | 103      |
| 2. | 1 га ерга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /га       | 7611     | 10320    | 9512     |
| 3. | Пахта:                                             |          |          |          |
|    | 1 га ерга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /га       | 7769     | 9358     | 9246     |
|    | 1 тонна пахтага сарфланган сув, м <sup>3</sup> /га | 2737     | 3324     | 3284     |
|    | Ҳосилдорлик, ц/га                                  | 28,4     | 28,0     | 29,0     |
| 4. | Дон:                                               |          |          |          |
|    | 1 га ерга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /га       | 8834     | 11442    | 11547    |
|    | 1 тонна донга сарфланган сув, м <sup>3</sup> /га   | 1787     | 3861     | 4457     |
|    | Ҳосилдорлик, ц/га                                  | 53,2     | 50,1     | 52,0     |
| 5. | 1 м <sup>3</sup> / сувнинг таннарни, сўм           | 11,7     | 11,5     | 14,6     |

Башоратларга қараганда, келажакда ер усти ва ер ости сувларининг кўпайиш имконияти йўқ. Шу боис сув таъминотини фақат қайта ишлатиладиган сув миқдорини кўпайтириш ҳисобига яхшилаш мумкин.

Олимлар ва мутахассислар ҳисобига қараганда, бугунги кунда қайта ишлатиш мумкин бўлган сувнинг ярмидан фойдаланилмоқда. Бу кўрсаткични 2020 йилларга бориб, 61 фоизга чиқариш мумкин.

Ҳозирги шароитда йилига коллектор ва дренаж сувларидан 4,5 млрд. кубометри ёки ишлатилаётган умумий сув миқдорининг 47,6 фоизи қайта ишлатилмоқда. Бу кўрсаткич 2020 йилларга бориб, 60-65 фоизни ташкил қилиши керак. Шундай экан, сув хўжалиги мажмуасида янги йўналиш-

ишлатилган сувларни қайта ишлаш иншоотлари қуриш ва бундай сувларни тозалаш бўйича иш олиб борилиши лозим. Ишлатилган сувдан қайта фойдаланиш сув танқислигини бироз юмшатди. Аммо унинг салбий томонлари ҳам бор.

Қайта ишлатилаётган сув таркибида туз ва захарли химикатлар кўпайиши натижасида ундан истеъмол учунгина эмас, балки ерларни суғоришда ҳам фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун бундай сувлардан такрор фойдаланиш устидан ҳам илмий, ҳам амалий иш олиб бориш керак. Бу, ўз навбатида, сув хўжалиги мажмуасида янги йўналиш ва янги иншоотлар қуришни талаб этади. Сув танқислигининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу йўналиш келгусида сувдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бирига айланади. Сув хўжалиги мажмуаси фаолиятининг ўтиш давридаги ўзига ҳос муҳим хусусиятларидан бири-бу, мажмуани молиялаштириш билан боғлиқ муаммодир. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида сув хўжалиги мажмуасининг фаолияти шунингдек, уни эксплуатация қилиш, янги каналлар, ариқлар, сув омборлари, насос станциялари қурилиш, уларни ишлатилиш, мелиорация ишлари тўлиқ давлат томонидан молиялаштириб келган. Ўтиш даврида эса, сувдан фойдаланувчилар хўжалик юритишнинг нодавлат шаклига ўтгани, бир қатор сув хўжалиги иншоотлари хусусийлаштирилганлиги ёки акционерлик жамиятларига айлантирилганлиги сабабли мажмуани молиялаштиришга янгича ёндашиш зарурати туғилди.

Шунингдек, хўжаликларнинг бўлиниб, майдаланиб кетиши, фермер хўжаликларига айлантирилиши, ҳамда деҳқон хўжаликлари фойдаланаётган суғориладиган ер майдонларнинг кенгайиши(500 минг гектардан ортиқ) сув хўжалиги мажмуаси фаолиятига қатор ўзгаришларни киритишни тақозо этмоқда. Жумладан, аввал хўжалик ариғи ёки коллектори ҳисобланган иншоот, эндиликда хўжаликлараро иншоот бўлиб қолди, аввал бир хўжаликни сув билан таъминлаётган кичик насос станцияси эса бир неча хўжалик ёки фермерларни сув билан таъминловчи иншоотга айланмоқда.

Шунинг учун, бундай иншоотлар кимнинг тасарруфида бўлиши, ким уни эксплуатация қилиши, таъмирлаши, молиялаштириши керак, деган муаммолар пайдо бўлмоқда. Иттифоқ даврида бундай муаммолар иншоотларни давлат тасарруфига олиш билан ҳал қилинар эди, чунки совхозлар етиштираётган маҳсулот давлатники ҳисобланар, колхозлар етиштирган барча маҳсулотлар эса давлат томонидан белгиланган нархда сотиб олинар эди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчилар давлат тасарруфидан чиқарилган, хўжалик юритишнинг нодавлат шаклида фаолият кўрсатмоқда, бир қисми эса шахсий хўжаликларга айлантирилган. Шундай экан, улар сув иншоотларини, коллектор – дренажларни ишга яроқли ҳолатда сақлаш ва уларнинг эксплуатация харажатларини ўз зиммаларига олишлари керак.

Бу ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш учун яна бир бўғин-сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тузилмоқда. Нодавлат шаклдаги бу эркин, уюшма хўжаликлар ва фермерларга ўзаро келишиб, хизмат кўрсатувчи корпоратив уюшма сифатида майдонга келди.


Сув истъемолчилари уюшмаси (СИУ) нормал фаолият кўрсатиши учун корпоратив уюшма аъзолари ва уюшма билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар механизми шартномалар асосида олиб борилади. Бу, аввало СИУ нинг моддий-техник базасини яратиш (фермерлар, хўжаликлар маблағини тўплаш ва узоқ муддатли кредит олиш ҳисобига), сувдан фойдаланувчилар билан иқтисодий муносабатлар (тўловлар) механизми, ташкилотни демократик асосда бошқариш ва сувни магистрал каналлар орқали етказиб берувчилар билан муносабатларни ва ниҳоят, сувдан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, шунингдек, коллектор – дренажларни тозалаб туриш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилади.

Бу борадаги яна бир муҳим масалага эътибор беришимиз керак. Маълумки, сувдан фойдаланувчиларнинг баъзилари сувни ариқлардан

тўғридан–тўғри олсалар, айримлари насослар ёрдамида олишга мажбурлар.



### 1-Диаграмма. Давлат насос станцияларидан фойдаланиш таҳлили




Бугунги кунда республика бўйича суғориладиган ерларнинг \_\_\_\_ фоизи катта ва кичик насослар орқали суғорилади. Демак, сувга бўлган тўловлар механизмини ана шу икки ҳолатга мос равишда ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу муаммони сувга бўлган тўловлар миқдорини камайтириш ёки насослар ёрдамида сув олаётган истеъмолчилар етиштираётган маҳсулот нархини кўтариш билан ҳал қилиб бўлмайди. Чунки, биринчи ҳолатда сувга бўлган тўловлар, сувни етказиб бериш учун кетадиган сарф – харажатларни қопламайди. Иккинчи ҳолатда маҳсулотни бозор кўтарган нархдан юқори нархда сотиб бўлмайди. Маҳсулотнинг нархи пасайганлиги учун давлатда ҳам деҳқонга дотация бериш имконияти йўқ. Фикримизча, бу масалани солиқ механизмини такомиллаштириш билан ҳал қилиш керак. Жумладан, солиқ миқдорини сувни насос ёрдамида олаётган хўжаликлар учун камайтириб, тўғридан-тўғри ариқлардан олаётган хўжаликларга эса кўпайтириш лозим. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, амалиётдаги ягона ер

солиғи миқдори ниҳоятда пастлиги учун юқорида қайд этилган механизм муаммони тўлиқ ҳал қилади, деб бўлмайди. Ер солиғи миқдорининг пастлиги маҳсулот нархидаги тавофутни масаласини қисман мувофиқлаштиришни ҳал қилади. Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи масаласи ҳам қайта кўриб чиқиш зарур.



## 2-диаграмма. 1 м<sup>3</sup>/сек сувнинг таннархи (сўм ҳисобида)



Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуасининг фаолиятига сувдан фойдаланувчилар сони кўпайишигина эмас, балки экинлар структурасининг ўзгариши ҳам маълум даражада таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида минтақалар ва республикалараро қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ихтисослаштириш мавжуд эди. Жумладан, ҳар бир минтақага шу минтақа тупроқ ва иқлим шароитига кўпроқ мослашган экинлар экилар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари минтақалараро алмашишлар эди. Жумладан, Ўзбекистон тупроқ ва иқлим шароитига кўра, асосан пахта етиштиришга ихтисослашганди. Бундай ихтисослаштириш муайян вилоят ёки республика шароитига қараб белгиланганлиги учун уларда бир турдаги экинлар асосий майдонларни эгаллар эди.

Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинларини етарли миқдорда сув билан таъминлашда ўзига хос қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлар, чунки асосий экинни бир вақтнинг ўзида қайта суғориш сунъий равишда сув танқислигини туриб чиқарар эди.

Иттифоқдош республикалар ўрнида мустақил давлатлар барпо бўлган ҳар бир давлат ўз аҳолисига керак бўлган барча турдаги маҳсулотларни етиштиришга киришди. Бу эса суғориш ишларини муддати чўзилишига (йилда 9-10 ой давомида) олиб келди. Суғориш муддатининг чўзилиши эса сувни йил давомида экинлар талабига қараб етказиб беришни тақозо этмоқда. Шу сабабли сув иншоотлари йил давомида ишламоқда, сувнинг ерга сингиб кетиши (филтрация) ҳоллари кўпаймоқда сув иншоотларини таъмирлаш учун кам вақт қолмоқда. Натижада куз ва қиш ойларида сувни сув омборларига тўплаш миқдори камаймоқда.


#### **4. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурслари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Сув хўжалиги мажмуасида самарадорликни таъминлашда асосий эътибор мажмуанинг иншоотлардан фойдаланиш ва бошқариш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу борада, сув омборлари сигимини, каналлар ва сув ўтказувчи иншоотларнинг сув ўтказиш имкониятини ошириш ва сувни истеъмолчиларга етказиб беришда исроф бўлишини (ерга сингиб кетиши, буғланиши ва ҳоказоларни) камайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Албатта, сув омборлари сигимини, каналларнинг сув ўтказиш имкониятини ошириш, сувнинг ерга сингиб кетиш ва парланишини камайтириш муҳим масала. Аммо бу борада олиб борилаётган катта ҳажмдаги ишларнинг асосий мақсади нима ёки якуни нималар билан баҳоланиши керак? Тўғри, барча саъй-ҳаракатлардан мақсад ҳайдаладиган ерга, экилаётган экинларга сув етказиб беришдир. Демак, сув хўжалиги мажмуасида олиб борилаётган барча тадбирлар самараси

олинаётган маҳсулот миқдори билан ўлчанади. Бироқ деҳқонлар сувдан тежаб фойдаланиши устида олиб борилаётган ишлар назарий жиҳатдан чуқур асосланмаган ва кўзланган даражасида эмас.

Фарғона вилоятида бир гектар ерга сарфланаётган сув ҳажми ҳам фикримизни тасдиқлайди.

**3- диаграмма. 1 га ерга сарфланган сув миқдори (м3/га)**



Шунингдек, бир гектар ерга экин турлари бўйича сарфланаётган сув ҳажми ҳам, шунча майдонга ишлатилган сувнинг олинган маҳсулотга нисбатан миқдори ҳам анча юқори. Чунончи, меъёр бўйича бир гектар ердаги ғўзага сарфланаётган сув миқдори 30 центнердан юқори ҳосил олишга мўлжалланган. Аммо, шу миқдордаги сув сарфланган ерларнинг ҳар гектаридан 10-15 центнердан ҳосил олинган ёки белгиланган даражада ҳосил кўтарилган. Бундай ҳолатни бошқа экин турлари бўйича ҳам кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, сув хўжалиги мажмуасининг дастлабки икки бўғинидаги ижобий натижалар сўнгги - ҳал қилувчи бўғинга келиб кескин камайиб кетмоқда. Ҳўш бунинг сабаби нимада? Фикримизча, бунинг қуйидаги сабаблар излоҳлаш мумкин:

- аввало, сув хўжалиги мажмуасида барча бўғинлар бир-бири билан узвий боғланмаган. Жумладан, асосий бўғин сувни истеъмол қилувчилар (деҳқон ва чорвадорлар) сув хўжалиги мажмуасидан четда қолиб келгани. Сув хўжалиги мажмуаси сув хўжалиги вазирлиги, сувни истеъмол қилувчилар эса, қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфида бўлиб келганлиги;

- сувдан фойдаланувчилар (истеъмол қилувчилар), сувни тежаб ишлатишдан моддий манфаатдор эмас, шунингдек, сувни ортиқча сарфланганлик учун иқтисодий жазо чоралари ҳам белгиланмаган. Бошқача қилиб айтганда, бир маҳсулот бирлигига сарф қилинаётган сув ҳажми ҳисобга олинмаяпти;

- сув хўжалиги мажмуасига ажратилаётган катта миқдордаги бюджет маблағлари асосан сув иншоотларини таъмирлаш ва эксплуатация қилишга, бошқариш тизимини сақлаш ва такомиллаштиришга сарфланиб, сув истеъмолчилари бўғинига бу маблағлардан ниҳоятда кам миқдорда берилмаяпти;

- сувдан фойдаланиш бўғинида сув тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни жорий қилиш учун дастлабки капитал етишмайди ва бу жараёни ривожлантириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Ривожланган мамлакатларда сув сарфини камайтириш учун томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, бу усулларнинг иккаласида ҳам сувни меъёردа белгиланган миқдорда ва ўсимликни талабига қараб бериш мумкин. Суғориш сонини кўпайтириш ҳисобига ҳар бир суғоришда берилаётган сув ҳажминини камайтириш, пайкалнинг маълум қисмига қўшимча сув бериш керак бўлса, уни алоҳида суғориш имконияти яратилади.

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» хўжалигида олиб борилган тажрибаларнинг натижаларига қараганда, ғўза 12 марта томчилатиб суғорилган ҳар бир гектар майдонга ўртача 3000-3300 м<sup>3</sup> сув берилган, ҳосилдорлик гектарига 43 центнерни ташкил қилган. Шу

пайкал ёнидаги эгат билан суғорилган майдоннинг гектарига ўртача 95 минг<sup>3</sup> сув берилган ва 32 центнердан ҳосил олинган.

Шу хўжаликда ғаллани ва ғўзани ёмғирлаб суғориш бўйича тажриба олиб борилди. Ёмғирлаб суғорилган ғаллазорнинг гектарига 2200 м<sup>3</sup> сув сарфланади, ҳосилдорлик эса ўртача 57 центнерни ташкил қилди.

Гектарига 3500 м<sup>3</sup> сув сарфланиб, ёмғирлатиб суғорилган ҳар гектар пахтазордан 27 центнердан ҳосил кўтарилган.

Томчилабтиб ва ёмғирлатиб суғорилса, сувнинг ерга ортиқча сингиб кетмайди, чунки тупроқнинг намиқиш қатлами 40 сантиметрдан ошмайди, ўсимлик илдизининг асосий қисми эса, асосан шу қатламда жойлашади.

Таъкидлашимиз керакки, бугунги кунда республикаимиз бўйича қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун 55-56 кубокилометр сув олинаётган бўлса, шундан салкам 18 кубокилометри коллекторларга чиқиб кетмоқда. Бу жараёнда фақат сувнинг чиқиб кетишигагина эмас, балки катта ҳажмдаги коллектор-дренаж тизимини яратиш, уни эксплуатация қилиш учун катта миқдорда маблағ сарфланмоқда.

Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун, албатта, катта миқдорда дастлабки капитал керак. Чунончи, томчилатиб суғориш учун бир гектар майдонга ўртача уч минг АҚШ доллари талаб этилади. Кўпгина ҳолларда бу қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўпдек туюлади ва табиийки, оғирлик қилади. Аммо, олиб борилган тажрибалар яқунларига қараганда, томчилатиб суғориш учун сарфланган маблағ уч-тўрт йилда ўзини оқлайди. Томчилаб суғориш тизимидан 12-14 йил, ёмғирлатиб суғориш машинасидан эса 18-20 йил фойдаланилиши эътиборга олинса, иккала технология ҳам фақат фойда келтириши аёнлашади. Боз устига тупроқнинг намланиши 40-45 см дан ошмаслиги ҳисобига сув ер остига сингиб кетишининг, катта миқдордаги сув коллектор ва дренажларга чиқиб кетишнинг олдини олиниш туфайли ҳам сув, ҳам коллектор-дренажлар эксплуатациясига сарфланадиган маблағ тежалани.

Сувдан тежаб фойдаланишни ташкил қилишда, сувдан фойдаланувчилардан сув етказиб беришнинг баҳосини белгилаш ва уни ундириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бир томондан, сувдан фойдаланишни тартибга солиш, иккинчидан, сувни етказиб бериш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнидаги сарф-ҳаражатларнинг бир қисмини қоплаш имконияти яратилади.

Сувга тўловларни жорий қилиш учун сувни ўлчашни ташкил этиш, бундай табиийки, сув ўлчагичлардан фойдаланиш заруратини туғдиради. Сув ўлчагичларни қўйиш эса, сувни умумий тақсимотини тартибга солиш билан бирга, уни керакли муддатда ва керакли миқдорда етказиб беришни ташкил қилиш имкониятини ҳам яратади. Бугунги кунда сув ўлчагичлар асосан магистрал каналларга қўйилган, фермерларга ва хўжаликларга сув етказиб бериш жараёнида қўлланилмаяпти.

Сувдан унумли фойдаланишни, сув тақсимотида қатъий тартиб ўрнатишни, қўшимча манбалар қидириб топишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Сув хўжалиги қурилишини янада ривожлантириш ва сувдан фойдаланишни янги талаблар даражасига кўтариш фан-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бутун сув хўжалиги мажмуаси бошқаруви жараёнига янги технологик тизимларни жорий этиш орқали сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имкониятларини муттасил кенгайтира бориш мумкин.

Экинларни суғоришда ташлама, зовур, ер ости сувларидан фойдаланиш сув ресурслари потенциалини ишга солишнинг муҳим воситасидир. Минераллашиш даражаси нисбатан паст дренаж сувларидан фойдаланиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда минтақанинг айрим ҳудудларида дренаж сувларининг суғориш тизимларидаги миқдори 40-50 фоизни ташкил этади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида сув тақчил шароитларда минераллашган сувлардан насослар ёрдамида оммавий равишда фойдаланиш бўйича бой тажриба тўпланган.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, дарё суви билан суғорилган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 35,4 центнер, аралаштирилган (қисман

минераллаштирилган) сув билан суғорилганда 32,8 центнер пахта хосили олиш мумкин. Дренаж суви билан суғорилган ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил ҳисобига тушадиган маблағ анча камаяди, қолаверса, бу жараёнда қилинган харажатлар қопланади.

Дренаж сувларидан фойдаланилаётган ҳудудларда, хусусан Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши, Бўз ва Амударёнинг қуйи оқимидаги янги ўзлаштирилган ерларда майдонларни қум босиш ҳоллари йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, дренаж сувларидан суғориш ва ерларнинг шўрини ювиш мақсадларида фойдаланиш технологияси тўла илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилмаган, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда сувнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган минераллашув даражаси тўлиқ аниқланмаган. Ҳал этилиши халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирилиши аниқ бўлган бу муаммо махсус ўрганишни талаб этади.

Суғориш мақсадларида ер ости сувларидан (жумладан, минераллаштирилганларидан ҳам) қўшимча манба сифатида фойдаланиш эга иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Тўғри, бундай сувларни белгиланган жойга олиб бориб ишлатиш учун муайян даражада қўшимча харажатлар қилинади (насослар қуриш, қўшимча суғориш шахобчалари яратиш, қувурлар ётқизиш, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, амортизация ажратмалари). Аммо улар ҳосил кўпайиши эвазига бемалол қопланади.

Дарё оқими тўла тартибга келтирилган шароитда мавжуд сув ресурсларига нисбатан кўпроқ сув олиш, қурғоқчилик йиллари сув етишмаслигига олиб келиши муқаррар. Айниқса, Сирдарё ҳавзасидан суғориладиган ерлар ишлаб турган тизимларни комплекс қайта қуриш режаларига, энг муҳими, сувни қаттиқ тежаш юзасидан кўриладиган тадбирларга тўла боғлиқ ҳолда кенағйирилиши шарт. Ҳар гектар майдонга меъёрдан 1,5-2,0 баробар кўп (аслида бу меъёрнинг ўзи ҳам анча кўпайтириб белгиланган) сув ишлатишдек одат тусига кириб қолган ҳолларга барҳам бериш керак. Агар аввалги йилларда ҳар гектар суғориладиган ерга 15,5

минг кубометр сув берилганинг бу меъёрдагидан 1,5-2 баробар кўплигини, уни меъёр бўйича ишлатиш эвазига тежалган сув билан яна 1 миллион 900 минг гектар ерни суғориш мумкинлиги маълум бўлди.

Амударё сувларидан фойдаланиш жараёнининг таҳлили бўй-йўналишда ҳам тежамкорликка эътибор кучайтирилиши зарарлигини кўрсатмоқда. Масалан, Қорақалпоғистонда сув меъёр (сув тақчил даврларда ҳам) даражасида ишлатилмаяпти. Кўпгина экин майдонларига сув меъёрдан ортиқ сарфланиб, сувдан фойдаланиш коэффиценти ошиб бормоқда. Кўп йиллик илмий изланишларда бот-бот тасдиқланаётганидек, сувни керагидан ортиқча истеъмол қилгани билан экинлар ҳосилдорлиги ошмайди.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш сув хўжалиги мажмуаси потенциалидан ва суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланишни, уларнинг унумдорлигини оширишни, шунингдек, ҳар бир литр сув оқилона ишлатилишига эришишни тақозо этади. Аммо сувдан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар ўз вақтида бажарилаётганлигига қарамасдан, Марказий Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда сув ресурслари танқислиги тобора кучаймоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги жиддий зарар кўрмоқда. Сув тақчил йиллари ҳатто оқава ва сизот сувларидан ҳам кўп фойдаланилмоқда. Бу эса дарёлар сувининг сифатига таъсир этмоқда. Масалан, Амударёда сувнинг минераллашув даражаси айнан шу сабабли 1,5 баробардан ошиб кетди.

Марказий Осиё республикаларида суғориладиган деҳқончиликни интенсив йўл билан олиб бориш юзасидан бой тажриба тўпланган, бу соҳада жуда катта табиий ва иқтисодий имкониятларга ҳам эгамиз. Мавжуд суғориладиган майдонлар маҳсулдорлиги энг юқори даражага кўтарилганда ҳам янги ерларни ўзлаштириш суръатлари оширилмаса, минтақа ўз потенциал имкониятлари доирасида ҳар йили катта миқдордаги (миллиард сўмлаб) миллий даромадни олишдан маҳрум бўлиши мумкин. Мавжуд сув ресурсларидан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланиш усуллари қўллаш, айниқса, фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш ва минтақада сув билан

боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш даромадни бой бермаслик, боз устига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сероблигига эриши имконини беради. Шунинг учун яқин йилларда мамлакатимизнинг энг унумдор суғориладиган деҳқончилик минтақаларида суғориш тармоқларини реконструкция қилишни тугаллаш, сув етиб келишини бўлжаллаб, суғориш олди ишларини ва уларни вақтида амалга ошириш лозим. Бу ҳар гектар ер маҳсулдорлигини муттасил ошира боришга, суғоришда сув сарфини камайтиришга, илмий асосланган меъёрдан ортиқча сув сарфлашдек зарарли тенденцияга чек қўйишга ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳудудлаштирилган энг самарали ва кам сув талаб қиладиган навларини танлашни, ҳар гектар ердан кўпроқ фойда олишни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Мақсадга эришиш учун айнан шу йўналиш бўйича минтақавий лойиҳа тадбирларини ишлаб чиқиш даркор. Бунда мелиораторлар, иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигидаги илмий изланишлар даражасини яхшилаш, бу изланишларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш лозим. Сув хўжалиги мажмуаси фаолиятини сифат жиҳатидан такомиллаштириш талаб этилаётган шароитда бу ўта зарур.

Сув хўжалиги мажмуаси самарадорлигини оширишнинг, сувдан тежаб фойдаланишнинг бўқорида қайд этилган йўналишларини мамлакат қишлоқ хўжалигида сарфланаётган сув миқдорини 30-35 фоизга қисқартириш, ҳар кубометр сув ҳисобига олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, янги ерлар ўзлаштириш имкониятини кенайтиради. Бу эса тобора кўпаяётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор равишда таъминлаш гаровидир.

## Ҳуқуқий қисм

Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2009 йил 25 декабрдаги қонунига мувофиқ сув хўжалиги тармоғидаги иқтисодий муносабатлар қуйидагича тартибга солинади:

### **«1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир»;

2) қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:

### **«2<sup>1</sup>-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ер ости сувлари** — ер сатҳидан пастда ер қобиғининг тоғ жинслари қатламларида жойлашган сувлар;

**ер усти сувлари** — ер қобиғининг устида жойлашган сувлар;

**мелиорация объектлари** — коллектор-дренаж ва ер усти ташлама сувларини тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторларни ва коллектор-дренаж тармоғини, вертикал дренаж қудуқларини, мелиорация насос станцияларини (агрегатларини) ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари;

**сувлар** — сув объектларида тўпланган барча сувлар мажмуи;

**сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш)** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

**сув истеъмолчилари уюшмаси** — юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари томонидан сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда ташкил этиладиган нодавлат нотижорат ташкилоти;

**сув истеъмолчиси** — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**сув объекти** — сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа объектлар;

**сув объектларини муҳофаза қилиш** — сув объектларини сақлаш ва тиклашга қаратилган тадбирлар тизими;

**сув режими** — сув объектлари ва тупроқ-грунтда сув сатҳи, тезлиги, сарфи ва ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши;

**сув ресурслари** — фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши лозим бўлган сув объектлари сувлари;

**сув хўжалиги** — иқтисодиётнинг сув ресурсларини ва сув объектларини ўрганиш, ҳисобга олиш, бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирига қарши курашишни қамраб олувчи тармоғи;

**сув хўжалиги объекти** — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув объекти;

**сувдан фойдаланиш** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

**сувдан фойдаланувчи** — сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**сувларнинг зарарли таъсири** — сув тошиши, сув босиши, зах босиши ва сувларнинг ўзга таъсирлари натижасида айрим табиий-хўжалик объектлари ва ҳудудларнинг ювилиши, бузилиши, лойқа чўкиши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа салбий ҳодисалар;

**трансчегаравий сув объектлари** — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари;

**трансчегаравий сувлар** — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари»;

3) 4-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона давлат сув фонди:

жилғалар, сойлар, дарёлар, сув омборлари, кўллар, денгизлардан, каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари, булоқлар, ҳовузларнинг сувлари ва бошқа ер усти сувларидан;

ер ости сувлари, қор захиралари ва музликлардан иборатдир.

Трансчегаравий сув объектларининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларининг) сувларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади»;

4) 6-модданинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектидан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш»;

5) 7-модданинг:

номи ва биринчи хатбошисидаги «Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг» деган сўзлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «сув истеъмолининг белгиланган» деган сўзлар «белгиланган сув олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 8-модданинг:

биринчи қисмидаги «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек бу соҳада махсус ваколати бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «махсус ваколати бўлган давлат органлари» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 9-модданинг:

биринчи қисмидаги «мулкчиликнинг барча шаклларидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 10-модда, IV бобнинг номи ва 11-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«10-модда. Сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг иштироки**

Сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади. Давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкин.

Мазкур қонуннинг қолган боблари ва моддалари сув хўжалигида амалга оширилган ислохотларни тўлиқ ёритиб берган ва бозор муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

## **Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми**

### **Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ишловчиларни хавфлардан ҳимоя қилиш**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланиш ўрганади. Ушбу фаннинг предмети-фаолият меҳнатнинг бир томонидир ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимоя қилишдир.

Таркибий жиҳатдан ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тўрт қисмдан ташкил топади:

1. Ҳаёт фаолиятининг назарий асослари
2. Фуқаролар муҳофазаси
3. Ёнғин хавфсизлиги
4. Биричи тиббий ёрдам кўрсатиш.

Ҳаёт фаолиятининг назарий асослари хавфсизликнинг тизимли таҳлили бўлиб, фаолият хавфсизлигининг бошқариш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш принциплари , усуллари , воситаларини ўргатади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқаришда ва фавқулотда юз берган ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборат.

**Фуқаро муҳофазаси**-аҳолини ҳимоя қилиш усуллари, хавфли жойлардан аҳолини кўчириш каби масалаларни ўз ичига олади. Фавқулотда вазият юз бериш эҳтимоли бўлган ҳудудларда фуқаро муҳофазаси энг асосий вазифалардан бири бўлган аҳолини ҳимоя қилиш тадбирларини, режаларини ишлаб чиқади ва унга фавқулотда вазият юз берган шароитда ўзгартиришлар киритади.

Меҳнат муҳофазаси бошқариш асосларидан бири бўлиб, у ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ишлаб чиқаришдаги ҳолати билан боғлиқ

жараёндир. Ташкилотларнинг ўз-ўзини молия маблағи билан таъминлашга яъни тўла хўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан ишчилар, инженер техник ходимлар, бошқалар, акционер жамиятлари бошқарув ходимлари иш ҳақини аниқлаш, ой якунига биноан меҳнатда қатнашганлик коэффиценти асосида ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳар ойда ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича қилган ишлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш лозим. Меҳнат муҳофазасини бошқариш сметасини жорий этиш ишчи ва ходимларнинг хавфсизлик коэффицентиға боғлаб бориш ёрдамида ушбу масалани ҳал этишг мумкин. Бундан ташқари меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини ишлаб чиқилган меҳнат муҳофазаси талабларини бузганлик класификатори ва меҳнат муҳофазаси хизмати ходимларининг объектларда хавфсизлик техникасининг ҳолатини назорат қилишга кенгроқ жалб этади ва уларнинг маъсулиятини оширади, ҳамда текшириш сифатини бирмунча яхшилайдди.

Меҳнат муҳофазасини бошқариш асослари, қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Меҳнат муҳофазаси ишини режалаштириш. Бу жамоанинг шартномадаги меҳнат муҳофазаси бўйича келишув ва меҳнат муҳофазаси шароитини яхшилаш ҳамда санитария – соғломлаштириш тадбирларининг мажмуига оид режаларга асосланади.

2. Меҳнат муҳофазаси бўйича юклатилган вазифа ва бурчларни бажариш. Хавфсизлик техникаси “Ички тартиб ва қоидалар” ва меҳнат муҳофазаси бўйича кўрсатмаларга биноан аниқланади. Бу норматив ҳужжатлар асосида ҳар бир ташкилот маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқаришнинг моҳияти, турлари ва штатлар бўйича ишчилар ҳамда инженер-техник ходимлар учун меҳнат муҳофазаси талабларини бузганлик классификаторини ишлаб чиқишлари лозим. Классификаторлар ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг меҳнат муҳофазаси бўйича вазифа ва бурчларини аниқ, пухта бажарлишини таъминлашни даркор.

3. Меҳнат муҳофазаси ҳолатини назорат қилиш ва баҳолаш. Бунда асосий назорат формаси уч босқичи жамоа назорати, давлат, меҳнат ҳамда техник инспекция назорати ҳисобланади.

Объектлардаги меҳнат хавфсизлиги ҳолати меҳнат муҳофазаси талабларини бузганлик классификатори асосида текшириш “назорат картаси”да акс эттирилади.

Инженер-техник ходимларнинг хавфсизлик коэффиценти қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$XK = 1 - \frac{n}{N} \quad (1)$$

Бу ерда – бирорта ходим томонидан йўл қўйилган классификатор пунктлари бўйича хатоликлар сони

$N$  – Хавфсизлик коэффиценти аниқланаётган ходимларга тегишли бўлган классификатор пунктларининг сони.

Бошқармага қарашли объектларнинг хавфсизлик коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$XK = 1 - \frac{XK(I)XK(II)XK(III)...XK(n)}{N} \quad (2)$$

Бу ерда  $XK(I)$ ,  $XK(II)$ ,  $XK(III)$  ва ҳоказолар хавфсизлик коэффиценти аниқланган жами ходимлар хавфсизлик коэффиценти йиғиндиси.  $N$  – хавфсизлик коэффиценти аниқланган ходимлар сони.

Ишчилар томонидан хавф техникаси қоидаларининг бузилганлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича маслаҳатчи инспектор билан биргаликда ҳар куни бутун давомида аниқлаймиз.

Ишчилар бўйича меҳнат хавфсизлиги коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$XKu = 1 - \frac{n}{N \cdot p} \quad (3)$$

Бу ерда П – ой давомида ишчилар томонидан йўл қўйилган хатоликлар сони. N – ишчилар учун классификатор пунктларининг умумий сони. Р – ишчининг ой давомида ишлаган куни. Ишчилар ва инженер – техник ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги коэффиценти қуйидагича аниқланади:

$ХК=1-0,95$  – “аъло”

$ХК=1-0,94 - 0,85$  – “яхши”

$ХК=1-0,84 - 0,70$  – “қониқарли”

$ХК=1-0,70$  дан паст бўлса “қониқарсиз”

Меҳнат муҳофазаси бўйича қилинган ишларни рағбатлантириш. Бунинг учун объект бўйича инженер ва техник ходимлар ҳар ойда ишчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат муҳофазаси ҳолатига қараб оширилган ёки пасайтирилган коэффицентлар қуйилади.

Меҳнат муҳофазаси ҳолатини баҳолашда хавфсизлик коэффиценти асосий рол ўйнайди. Уни қўллаш учун қуйидагилар ҳавола этилади.

$ХК=1-0,95$  меҳнатда қатнашганлик коэффиценти; (ҚТУ) ни Қс ч/в=100% аниқланганда энг юқори коэффицентни қуйиш лозим.

Кш.х.в.=100% бўлса:

$ХК=1-0,94 - 0,85$

Кс.у.в=99-95%

ошириш ҳам пасайтириш ҳам керак бўлмаган.

Кш.х.в.=99% бўлса:

$ХК=1-0,84 - 0,70$

коэффицентни қуйиш керак.

Кс.у.в=94-85%

Кш.х.в.=94-85% бўлса:

$ХК=0,70$  дан паст бўлса:

пасайтирилган коэффицентни қуйиш керак.

ходимни эгаллаб турган лавозимидан олиш керак:

Кс.у.в=85% дан паст бўлса: ходимни эгаллаб турган лавозимидан меҳнат

Кш.х.в.=85% дан паст бўлса: муҳофазаси яхшилангунга қадар қуйи лавозимга ўтириш лозим.

Мехнат жамоаси хавфсизлик техникаси бўйича инженер томонидан берилган Хк, Кс, у.в., Кш.х.в ҳақидаги маълумотлар асосида мансабдор шахсларни меҳнатда қатнашганлик коэффицентини аниқлашда оширилган ёки пасайтирилган коэффицентлар қўйилади.

Ёнғин хавфсизлиги – халқ хўжалиги соҳаларида фаолият олиб борадиган барча объектларда, хусусан сув хўжалиги соҳасида, аниқроғи ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш дастлаб лойиҳалаштирилади ёки режаси ишлаб чиқилади. Тадбирни амалга ошириш тизими ўз ичига ушбу тадбирнинг бошланишидан то охирига етказиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўз ичига олади ва босқичма – босқич бажарилишини талаб этади. Шу боис ушбу тадбирни амалга ошириш жараёнида рўй бериш эҳтимоли бўлган барча фавқулотдаги вазиятни ёки ҳолатни олдини олиш ва унга тайёр бўлиб туриш лозим. Масалан ерларнинг шўрланишига қарши курашиш учун горизонтал зовурларни тозалаш лозим. Бу жуда катта иш ҳажмини талаб этадиган жараён бўлиб, мелиоратив техникалар ёрдамида амалга оширилади. Асосан бу иш экскаваторлар ёрдамида олиб борилади.

Экскаваторни бошқарувчи иш жараёнида нафақат меҳнат муҳофазаси талабларига, қолаверса ёнғин чиқиш хавфсизлиги талабларига ҳам амал қилиш керак бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ишлар ўзининг кўп қирраллиги, мураккаблиги билан ажралиб туради. Шу туфайли соҳа ишчилари ва мутахассислари турли хавфли ва зарарли омиллар таъсирида баъзан бахтсиз ҳодисага учраши мумкин.

Маълумки бахтсиз ҳодиса эса шикастланишларга сабаб бўлади. Шикаст деб, ташқи салбий омилларнинг киши организмига таъсирига айтилади. Бу таъсир инсон аъзолари тўқималарида анатомик бутунликни, физиологик функцияларнинг бузилишига сабаб бўлади. Натижада киши организмида маҳаллий ҳамда умумий реакциялар бўлиб ўтади.

## Хулоса ва таклифлар

Суғориладиган деҳқончилик ва ирригация ишлари тараққий этган мамлакатларда сув хўжалиги мажмуасида капитал маблағларга бўлган талабининг 20-50 фоизгача бўлган қисмини давлат бюджетидан қопланар экан. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 85-90 фоизни ташкил қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биринчидан сувдан фойдаланувчиларда хўжасизлик кайфиятини, вужудга келтирмоқда, иккинчи томондан, бюджет маблағлари етишмаслиги сабабли кўплаб ирригация ва мелиорация ишлари бажарилмай қолишига олиб келмоқда. Шунини ҳисобга олиб, сув хўжалиги мажмуасини маблағ билан таъминлашда учта манбадан фойдаланишни жорий қилиш керак. Биринчиси, давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ, иккинчиси, сув хўжалиги корхона ва ташкилотларининг хўжалик фаолиятдан оладиган маблағи (гидроэлектростанцияларидан келадиган маблағ) ва учинчиси, сувдан фойдаланувчилардан сувни етказиб бериш харажатларини қоплаш учун олинадиган маблағлар (сув тўловлари).

Ер сув ресурсларига бўлган талаб эгилувчанлиги ва ушбу табиий-иқтисодий ресурслар ўртасида бозор мувозанатига эришиш муаммоси бозор муносабатларига ўтиш зарурияти билан пайдо бўлди. Ушбу муаммонинг ечимини топиш ресурсларнинг миқдор ўзгаришлари билан эмас, балки уларнинг тубдан сифат жиҳатидан ўзгаришлари туфайли амалга оширилмоғи лозим. Чунки интенсивлик даражаси юқори бўлган шароитда ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар (ўғитлар, техник воситалар ва бошқалар) билан тўла таъминланиш, интенсивлик даражаси паст бўлган 5-10 гектар майдондан олинадиган ҳосилни бериши мумкин. Шу боис ер-сув ресурслари мувозанати ва талаб эгилувчанлиги муаммоси илғор фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали хал этилмоғи лозим.

Суғорма деҳқончиликка асосланган республикамиз қишлоқ хўжалигида сув муносабатларини ҳам такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари фойдаланилган сув

бевосита ҳақ тўламайди. Лекин давлат бюджетидан ҳар йили жуда катта ҳажмдаги молия сармоялари ирригация тизимини сақлаш, ундан фойдаланишга сарф қилинмоқда. Шу муносабат билан истикболда барча ирригация тизимларини бошқаришни фермер хўжаликлари ихтиёрига бериш зарурияти борлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Ирригация тизимларини молиявий маблағ билан таъминлаш учун фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик субъектлари учун етказиб берилган сувга ҳақ тўлашни жорий этиш лозим. Бунда албатта сувнинг сифатини ҳисобга олиш зарур. Чунки Фарғона водийсида жойлашган хўжаликларнинг аксариятига берилган сув чучук, яъни сифати яхши ҳисобланади. Лекин Жиззах, Хоразм, Қашқадарёнинг янги ўзлаштирилган хўжаликлардаги сувлар шўр, шу боис сифати паст ҳисобланади.

Сув хўжалиги ташкилотлари ихтиёридаги мелиоратив техникалар аллақачон ўзининг жисмоний хизмат муддатини ўтаб бўлган. Шу боис катта ҳажмдаги мелиоратив ишларни бажариш имкониятига эга эмас. Шу учун сув хўжалиги ирригация тизими хавза бошқармалари, сув хўжалиги қурилиш ташкилотларига “Ўзмелиомашлизинг” давлат компаниясидан замонавий мелиоратив техникаларни лизинг асосида олиш учун уларга давлат томонидан узоқ муддатли имтиёз кредит бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сув ресурсларининг асосий қисми (75%) қўшни давлатлар ҳудудида ҳосил бўлиши, сувдан фойдаланувчиларнинг (қишлоқ хўжалигида) ер майдонлари кичирайганлиги сув хўжалиги мажмуаси шаклланиши ва фаолият юритишига бир қатор ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда, шунингдек, ўтиш даврида мажмуанинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлишига олиб келмоқда. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

-сув ресурсларидан фойдаланишга қўшни давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш;

-сувни қайта ишлатиш, коллектор-дренажлар сувдан фойдаланиш ҳажмининг ошиб, сув хўжалиги мажмуасида сувдан такрор фойдаланиш иншоотларининг кўпайиб бориши;

-сувдан фойдаланувчилар ва уни истеъмол қилувчилар орасида сувни қайта тақсимлаш жараёни ўзгариб, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сув ҳажми (улушининг) камайиб бориши;

-сув хўжалигини молиялаштиришда давлатнинг улушини камайиб бориши ва сувдан фойдаланувчиларга сувни етказиб бериш, коллектор-дренажларни тозалаш ишлари харажатларини қоплаш механизмининг яратилиши;

-сув хўжалиги мажмуасининг ички бўғинлари орасидаги иқтисодий механизм бозор муносабатлари қонуниятларига мослаштирилиши;

-сувдан самарали фойдаланишда экинлар структурасини такомиллаштириш, сувга кам талаб, ўсиш даври қисқа ва бу даврнинг бир қисми (зимняя вегетация) қиш, баҳор ойларига тўғри келадиган экин турларини кўпайтириш;

-тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтиришда ноатъанавий услублардан (тупроқни шўрланишини олдини олиш) кенг миқёсда фойдаланишга ўтиш;

- экинларни суғоришда янги суғориш технологияларини кенг миқёсда жорий қилиш, маҳсулот ва ер бирлигига сув сарфини камайитишга эришиш.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». 1998.
3. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, 1998.
4. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида». Т., 29.10.07.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК № 718 сонли ҚАРОРИ. «Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида». 30.10.07.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш ҚОНУНИ”. 1993.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2009 йил 25 декабрдаги қонуни.
9. Каримов И.А. ЎзР ВМнинг мажлисидаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари ҳақида» маърузаси.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

12. И.А.Каримов. Иқтисодий эркинлаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисда сўзланган нутқ. «Халқ сўзи» газетаси, 2002, 21 феврал.
13. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш бўйича тажриба ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги 83 сонли буйруғи.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 320 сонли қарори. 21.07.03.
15. Сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. Тошкент, 1997.
16. Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолашнинг ахборот таъминоти асослари. Т., Фан, 2008.
17. Абдуллаханов Р. А. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. №10-11. 2-5 бетлар.
18. Абдуллаханов Р.А. Инсон ва сув сарфи. // Ж. Жамият ва бошқарув. 2002. №3. 46-47 бетлар.
19. Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг йиллик ҳисобот материаллари.

<http://www.google.co.uz/search>

## **Интернет маълумотлари**

### **СИУларнинг ҳозирги кундаги фаолияти**

#### **3.Ишпулатов**

СИУларнинг фаолияти юзасидан олиб борилаётган таҳлиллар сўнги йилларда уларнинг фаолияти ва шу асосда улар томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизматнинг яхшиланаётганлигини кўрсатмоқда.

Республикамиз сув хўжалиги тизимини тубдан таҳлил қиладиган бўлсак, унда бугунги кунда СИУ ушбу тизимнинг кучли бир бўғини сифатида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Шубҳасиз, ҳозирда сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этишда ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга сувни ўз вақтида етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматини кўрсатишда, ўйлайманки СИУларнинг ўрни жуда муҳимдир.

Шу билан бирга, ҳозирда СИУларнинг фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, моддий-техника базасини кучайтириш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам мавжуд.

Буларнинг энг асосийси бу албатта СИУларда кўрсатилган хизмат учун тўлов масаласидир. Барчамизга маълумки, СИУнинг тўлақонли фаолият юритиши учун кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари унинг муассислари томонидан тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши лозим бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда СИУлар томонидан кўрсатилаётган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмай келинмоқда, натижада СИУларнинг молиявий ҳолати ёмонлашиб, улардаги дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, маълумотларга асосан республика бўйича 2011 йилда СИУлар томонидан 33 млрд. 500 млн.сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, тўланган маблағ 19 млрд. 750 млн. сўмни ёки кўрсатилган хизматга нисбатан 59 фоизни ташкил қилмоқда. 1 гектар майдонга ўртача 5100 сўмдан тўғри келмоқда.

Жумладан, бу кўрсаткич Қорқалпоғистон Республикасида ва Самарқанд вилоятида ўртача 2450 сўм, Жиззах вилоятида 2700 сўмни ташкил этган ҳолос.

Аслида эса 1 гектар майдонга тўланадиган маблағ ўртача 15-17 минг сўм бўлгандагина СИУ тўлақонли фаолият юритиши учун шароит бўлади.

Бу каби камчиликлар ўз навбатида СИУларда сув ресурсларини бошқариш, ундан самарали ва тежамли фойдаланиш, сув истеъмолчилари ўртасида сувни тенг ва адолатли тақсимлаш ҳамда ўз вақтида етказиб беришни бир сўз билан айтганда ўз зиммасидаги вазифаларни бажаришини қийинлаштирмоқда.

Таҳлиллар СИУларга пул тушумлари асосан пахта ва ғалла ҳосили

етиштиришни молиялаштириш учун ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобидан тушаётганлигини кўсатмоқда. Унда СИУлар хизмати учун алоҳида маблағ ажратилган бўлиб, ойма-ой ўз вақтида ажратилаётган бўлишига қарамай, бу маблағлар тўлиқ ва ўз вақтида СИУларнинг ҳисоб рақамларига бориб тушмаяпти.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, СИУларга кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширишни таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги тижорат банклари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари биргаликда СИУларга амалий ёрдам беришлари лозим.

**СИУлар олдидаги турган долзаб муаммолардан яна бири – кадрлар масаласидир.**

СИУларнинг суғориладиган ерларининг географик шароитидан келиб чиқиб, ўртача ҳар 400-500 гектар майдонга биттадан сувчи бириктирилиши лозим.

Амалда эса Республика бўйича ўртача 660 гектарга бир нафар назоратчи-мироб тўғри келмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 1350 гектарга, Самарқанд вилоятида 1250 гектарга, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида эса 770 гектар майдонга бир нафар назоратчи-мироб тўғри келган.

Бу эса ўз навбатида сув ресурсларини истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб берилишини таъминлашда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

СИУ раҳбари сув хўжалиги соҳасида ишлаган, сувни адолатли тақсимлайдиган, тажрибали бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хулоса қилиб айтилганда, мамлакатимизда сув ресурсларининг танқислиги йилдан-йилга кучли сезилаётган шароитда ҳар бир сувдан фойдаланувчи ҳамда сув истемолчиларининг мавжуд сувдан оқилона, самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишлари лозим. Сув олишдан олдин дала суғоришга тайёрланиши, яни ариқлар тозаланган ва ўқ ариқлар қисқа олинган, далада ҳар бир литр сувни назорат қилувчи сувчиларнинг жалб қилинган бўлиши, шундан кейингина сув очилса ўз самарасини беради. Шу билан бирга далада сувнинг кўллаб қолишига ҳамда фойдаланмасдан зовурга ташлаб қўйилишига йўл қўймаслик керак. Бундан ташқари сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб бориш лозим.

СИУлар томонидан эса сувни сув истеъмолчилари ўртасида қатъий график асосида адолатли тақсимлаш талаб этилади. Шундай экан сувдан оқилона ва самарали фойдаланмоқчи эканмиз, биринчи навбатда СИУнинг иш фаолиятини тўғри йўлга қўйишга барчамиз масъулмиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки СИУнинг иш фаолиятининг яхшиланиши авваламбор фермерларнинг, туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг, Ирригация тизимлари бошқармаларининг, қолаверса

маҳаллий ҳокимиятларнинг манфаатига ҳам хизмат қилади. Чунки, СИУлар рисоладагидек фаолият юритса, ушбу ҳудуддаги барча сув хўжалиги масалаларини ижобий ҳал қилса, сув таъминотида муаммолар келиб чиқмайди ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиши таъминланади.

Шундан келиб чиқиб, ўйлайманки, СИУларнинг фаолятини яхшилаш маҳаллий ҳокимликлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг кун тартибидаги асосий долзарб масалалардан бири бўлиши лозим.

Агар СИУ хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари унинг фаолятида фаол иштирок этиб, кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаб борса, ўйлаймизки СИУнинг солиқдан, электр энергиядан ҳамда бошқа ташкилотлардан қарздорликлари келиб чиқмайди, муаммолар ҳам ўз-ўзидан ечимини топади.

<http://www.google.co.uz/search>

ТИМИ  
Битирув малакавий ишига  
Такриз

Талаба *Ғ.Исмаилов*

Мавзу: *Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда бозор принципларини қўллашнинг самарадорлиги (Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси материаллари мисолида)*

1. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. *Бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирлар тизими сув танқислигини ресурс сифатида камайитиришга имкон яратиб, иқтисодий баҳосини аниқлашни талаб қилади. Шунинг учун сув ресурсларини фойдаланишда бозор муносабатларини жорий этиш долзарб ҳисобланади.*
2. Ишнинг таркибини баҳолаш. *Ишнинг таркиби мавзунини тўлиқ очиб беришга имкон беради ва мантиқий кетма-кетликда тузилган.*
3. Мавзунинг баҳоланиши ва унинг афзаллик томонини кўрсатиш. *Мавзу ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларини фойдаланишда бозор муносабатларини жорий этишга бағишланган бўлиб, уларни такомиллаштириш йўллари ёритилган.*
4. Ишда фойдаланилган адабиётларга баҳо бериш. *Ишда муаммога тегишли адабиётлардан унумли фойдаланилган. Уларда мавзуга тегишли масалалар атрофлича ёритилган.*
5. Илмий мунозара юритиш қобилиятига баҳо бериш. *Битирувчи тармоқ иқтисодиётидаги кечаётган жараёнлар ва муаммолар бўйича илмий мунозара юритиш қобилиятига эга.*
6. Хулоса ва таклифларнинг аниқлиги ва далилларга асосланганлиги. *Битирув ишидаги хулоса ва таклифлар хўжаликлар ва ташиқотлардан ҳамда бошқарув органларидан олинган аниқ таҳлилий маълумотларга ва иқтисодий қонуниятларга асосланган.*
7. Жадвал ва графиклар, чизмалар сифатига берилган баҳо, ишни расмийлаштиришнинг талаб даражадалиги. *БМИдаги жадвал ва чизмалар сифатли ҳамда статистик ва бошқа ҳисоботларга таянган ҳолда бажарилган ва иш талаб даражасида расмийлаштирилган.*
8. Ишда йўл қўйилган камчиликлар. *Ишда қуйидаги камчиликка йўл қўйилган:*
  1. *Қишлоқ хўжалигида сув танқислигининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири етарлича ўрганилмаган.*
9. Битирув ишидаги қайси таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ. *Сув хўжалиги тизимлари томонидан истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув ресурсларига баҳо белгилаш механизмининг жорий қилиш ва такомиллаштириш бўйича берилган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ.*
10. Ишнинг қўйилган талаб даражасига мос келиши тўғрисида умумий хулоса. *Иш қўйилган талаб даражасига тўлиқ мос келади ва ҳимояга тавсия этилади.*

---

(такризчининг Ф.И.Ш., иш жойи, унвони)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013 й.

---

(имзо, муҳр)

ТИМИ  
Битирув малакавий ишига

Мулоҳаза

Талаба *Ғ.Исмаилов*

*Мавзу: Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда бозор принципларини қўллашнинг самарадорлиги (Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси материаллари мисолида)*

- 1. Мавзунинг долзарблигини асослаш. Бозор муносабатлари ривожлана борган сари сув хўжалиги тизимидаги ташкилий-иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал қилиш ўта муҳим аҳамият эга. Жумладан, фермер хўжаликларига сув етказиб беришда сув ресурсларига баҳо белгилаш механизмини такомиллаштириш долзарблик касб этади.*
- 2. Қисмлар бўйича бажарилган ишнинг тавсифномаси (ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан аҳамияти, замонавий илмий услублардан фойдаланганлиги). Ишда сув ресурсларини иқтисодий баҳолашга тегишли ҳозирги даврдаги назариялар ва амалий масалалар замонавий илмий услублардан фойдаланиб умумлаштирилган ва муҳим аҳамиятга эга.*
- 3. Талаба ишига баҳо (ишни мустақил бажарганлиги, интизомлиги ва бошқалар). Талаба битирув иши бўйича изланишларни мустақил равишда амалга оширди ва берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарди.*
- 4. Умумий хулосалар (ишнинг талаб даражасига жавоб бериши, ҳимоя қўйилиш имконияти). Битирув малакавий иши қўйилган талаб даражасига тўлиқ жавоб беради. Унда муаммо атрофлича тадқиқ этилиб тегишли хулоса ва тавсиялар берилган. Шуларни ҳисобга олиб битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилади.*

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013 й.

Битирув иши раҳбари:  
С.С.Исмаилова